



**«ЮКСАК БИЛИМЛИ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНГАН
АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ – МАМЛАКАТНИ БАРҚАРОР
ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ
ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ» МАВЗУСИДАГИ
ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ**

(2012 йил 16–17 февраль)

**МАТЕРИАЛЫ МЕЖДУНАРОДНОЙ КОНФЕРЕНЦИИ
«ПОДГОТОВКА ОБРАЗОВАННОГО И ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНО
РАЗВИТОГО ПОКОЛЕНИЯ — КАК ВАЖНЕЙШЕЕ УСЛОВИЕ
УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ И МОДЕРНИЗАЦИИ СТРАНЫ»**

(16–17 февраля 2012 года)

УДК: 323(575.1)
ББК: 66.3(5Ў)
Ю27

Мустақиллик йилларида юртимизда таълим соҳасини тубдан ислоҳ этиш, бу борада самарали миллий моделни шакллантириш, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш бўйича амалга оширилган кенг қўламли ишлар, эришилган ютуқларни халқаро жамоатчилик вакиллари иштирокида атрофлича ўрганиш ва таҳлил этиш ҳамда шу асосда келгусидаги аниқ амалий чоратadbирларни белгилаб олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг ташаббуси билан 2012 йилнинг 16–17 февраль кунларида Тошкент шаҳрида «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Унда қарийб 1000 нафар иштирокчи, жумладан, дунёдаги 8 та халқаро ташкилот ва таълим жамғармаларидан, 48 та давлатдан 270 нафар вакил қатнашди.

Ана шу конференция материалларини ўз ичига олган ушбу тўпلامдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ва Осиё тараққийёт банки президенти Харухико Куроданинг конференциянинг очилиш маросимидаги нутқлари ҳамда мазкур анжуманнинг ялпи мажлисида нуфузли халқаро ташкилотларнинг намояндалари, таълим соҳасида фаолият олиб бораётган таникли олим ва мутахассислар томонидан сўзланган маърузалар, шунингдек, конференция иштирокчиларининг мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳот ва янгиланишлар юзасидан билдирган фикр-мулоҳазалари ўрин олган.

16–17 февраля 2012 года по инициативе Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова проведена международная конференция «Подготовка образованного и интеллектуально развитого поколения – как важнейшее условие устойчивого развития и модернизации страны» с участием представителей международных организаций. Ее целью явилось всестороннее изучение и анализ широкомасштабных мероприятий, проводимых в нашей стране радикальных реформ в образовательной сфере и формирования эффективной национальной модели, а также достижений в области воспитания здорового, гармонично развитого поколения.

В работе международной конференции приняли участие около 1000 человек, в том числе 270 представителей из 48 государств мира и 8 международных организаций и образовательных фондов.

В настоящем сборнике представлены приветственные речи Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова и президента Азиатского банка развития Харухико Куроды на открытии международной конференции, а также выступления на пленарном заседании представителей престижных международных организаций, в том числе мнения и впечатления известных ученых и специалистов о мероприятиях в сфере образования, проводимых в нашей стране.

**ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ
«ЮКСАК БИЛИМЛИ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНГАН
АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ – МАМЛАКАТНИ БАРҚАРОР
ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ
ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО
КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ**

Ҳурматли конференция қатнашчилари, хонимлар ва жаноблар!

Сиз, муҳтарам конференция иштирокчиларини, биринчи навбатда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки намояндалари бўлган азиз меҳмонларимизни, дунёнинг турли қитъаларидаги 40 дан зиёд мамлакатдан ташриф буюрган вакилларни қутлаш ва барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматимни ва ушбу анжуманда қатнашаётганингиз учун самимий миннатдорлигимни билдириш менга катта мамнуният бағишлайди.

Бизнинг минтақамизда иқтисодий вазиятни барқарорлаштириш ва изчил тараққиётни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлашга улкан ҳисса қўшиб келаётгани учун мазкур конференцияни ўтказиш ташаббускорларидан бири бўлган Осиё тараққиёт банки президенти Харухико Курода жанобларига алоҳида ташаккур изҳор этмоқчиман.

Ўйлайманки, конференция иштирокчилари ушбу форумнинг бош мавзуси, яъни таълим тизимини ислоҳ этиш масалалари – замонавий давлатнинг изчил ва барқарор тараққиёти, авваламбор, унинг иқтисодий ривожланиши йўлидаги муаммоларни ечиш билан бевосита боғлиқ ҳолда кўрилаётганига эътибор қаратган бўлсалар керак.

Сир эмаски, бу мавзу биз бошимиздан кечираётган ҳозирги кунларда, дунёдаги деярли мутлақ кўпчилик давлатлар 2008 йилда бошланган, глобал миқёсдаги янги рецессия тўлқинларини келтириб чиқариш хавфини туғдираётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсири остида қолиб келаётган бир пайтда алоҳида долзарб аҳамият касб этади.

Бугунги кунда, умумий эътирофга кўра, XXI аср глобаллашув ва чегараларнинг барҳам топиш даври, ахборот-коммуникация техноло-

гиялари ва интернет асри, жаҳон майдонида ва дунё бозорида тобора кучайиб бораётган рақобат асрига айланиб бораётганини исботлаб беришга ҳожат йўқ, албатта.

Бундай шароитда инсон капиталига йўналтирилаётган инвестиция ва кўйилмаларнинг ўсишини, ҳозирги замонда демократик тараққиёт, модернизация ва янгиланиш борасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим кадрият ва ҳал қилувчи куч бўлган билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш вазифасини доимо ўзининг асосий устувор йўналишлари қаторига қўядиган давлатгина ўзини намён эга олиши мумкин.

Ҳурматли анжуман қатнашчилари!

Бутун дунёда кўзга кўринган олим ва мутахассислар, жаҳондаги машҳур ўқув юртлари, нуфузли халқаро тузилмаларнинг раҳбарлари ва вакиллари иштирокида Ўзбекистонда шаклланган таълим тизимини ислоҳ этиш модели ва уни амалга ошириш бўйича тўпланган тажрибанинг муҳокама қилиниши биз учун юксак шарафдир.

Аввало шуни таъкидлаш зарурки, бундан 15 йил олдин қабул қилинган, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури деб ном олган Таълим соҳасини ислоҳ қилиш дастури мамлакатимизда янги жамият қуришнинг босқичма-босқич ва тадрижий ривожланиш принципига асосланган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг биз танлаган «ўзбек модели» – ўз тараққиёт йўлимизнинг ажралмас таркибий қисмидир.

Ушбу дастур жиддий изланиш ва тадқиқотларнинг, жаҳондаги тараққий топган илғор мамлакатлар тажрибасини умумлаштиришнинг натижаси сифатида ўтмишда мажбуран сингдирилган коммунистик мафкуранинг қолип ва андозаларидан бутунлай воз кечиш, одамларнинг, **биринчи навбатда, униб-ўсиб келаётган авлоднинг онгида демократик кадриятларни мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, қисқача айтганда, бу дастур ўз фикрига, ўзининг қарашлари ва қатъий гражданлик позициясига эга бўлган, ҳар томонлама етук ва мустақил фикрлайдиган шахсни шакллантиришни мақсад қилиб қўйган.**

Узоқ йиллар давомида вужудга келган эски таълим тизимини тубдан қайта қурмасдан ва ислоҳ этмасдан туриб бу мақсадга эришиш асло мумкин эмас эди.

Агарки Ўзбекистонда аҳолининг қарийб 35 фоизини 16 ёшгача бўлган болалар, 60 фоиздан зиёдини эса 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ислохотларнинг роли ва аҳамияти ўз-ўзидан тушунарли ва равшан бўлади.

Қабул қилинган дастурга мувофиқ, мамлакатимизда 9+3 схема-си бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилди. Юртимизда амалга оширилаётган моделнинг принципиал хусусияти аввало шундаки, умумтаълим мактабидаги 9 йиллик ўқишдан сўнг ўқувчилар кейинги 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда таҳсил олиб, уларнинг ҳар бири умумтаълим фанлари билан бирга меҳнат бозорида талаб қилинадиган 2-3 та мутахассислик бўйича касб-ҳунарларни ҳам эгаллайди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда 12 йиллик таълим барча учун мажбурий ва бепул экани қонунларимизда белгилаб қўйилган. Бу ўсиб келаётган янги авлодимиз 12 йиллик мажбурий таълим олиш билан бирга аниқ мутахассислик ва касб-ҳунарга эга бўлишини тақозо этади. Бу, айниқса, қизларимиз учун муҳимдир. Биз бунда ҳар қайси янги ташкил бўлаётган ёш оилада аввало қизларнинг ўзи танлаган муайян мутахассисликка, касб-ҳунарга, ҳаётда ўзининг мустақил фикри ва қатъий позициясига эга бўлиши ғоят муҳим аҳамият касб этишини назарда тутамиз. Шунинг учун ҳам барча зарур фанлар бўйича умумий таълим берадиган мактаблардаги 9 йиллик таҳсилдан кейин ёшларимиз, айниқса қизларимиз мажбурий тарзда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ўқишни давом эттириши, икки-учта замонавий мутахассислик бўйича касб-ҳунарларга эга бўлиши ўта муҳимдир.

Сизлар кеча ва бугун Тошкентда бўлиб турибсиз, эртага Самарқандга борасиз, кимдир Бухорони, кимдир Хивани – бизнинг ана шу қадимий шаҳарларимизни кўриш истагини билдириши мумкин. Сизлар бу шаҳарлардаги тарихий ва маданий ёдгорликлар билан танишар экансиз, имкон топиб, олис туманларимиздаги коллежлар, лицей ва мактабларни ҳам бориб кўришингизни истардим. Шунда сиз бу таълим масканлари мамлакатимиз пойтахти – Тошкент шаҳридаги ўқув муассасаларидан асло қолишмаслигига ишонч ҳосил қиласиз, деб ўйлайман.

Ўн икки йиллик мажбурий таълимдан сўнг юртимиздаги ёшларнинг ҳар бири, ўз хоҳишига кўра, бакалавр ва магистр даражасини олиш учун олий ўқув юртларида ўқишни давом эттириши мумкин.

Ўтган йиллар мобайнида таълим тизимини тубдан янгилаш ва ислох этиш бўйича миқёси ва кўламига кўра улкан ишлар амалга оширилди. Қарийб 9,5 минг ёки мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган мактабларнинг деярли барчаси янгитдан қурилди, капитал реконструкция қилинди ва замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан таъминланди. Ўқув жараёнини сифат ва методик жиҳатдан бутунлай янгилаш бўйича улкан чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистонда мактаб таълими 7 та тилда: ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, туркман ва тожик тилларида олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда 1500 дан ортиқ янги касб-хунар коллежи ва академик лицей барпо этилди. Сиз, конференция қатнашчиларининг кўпчилиги ушбу билим масканлари билан танишар экансиз, улар ўз меъморий қиёфаси ва техник таъминотига кўра энг яхши олий ўқув юртларидан асло қолишмаслигига ишонч ҳосил қилишингиз мумкин. Касб-хунар коллежларидаги замонавий ўқув-лаборатория, компьютер ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари ўқувчилар учун умумий фанлар бўйича нафақат тўлиқ билимлар ҳажмини эгаллаш, айни вақтда ушбу ўқув юртларидаги замонавий техника ва технологияларни ўзлаштириш имконини ҳам беради.

Сизларнинг эътиборингизни масаланинг ғоят муҳим бир жиҳатига қаратмоқчиман. **Биз таълим тизимида ўқувчиларнинг нафақат кенг билим ва профессионал кўникмаларни эгаллаши, айни пайтда чет мамлакатлардаги тенгдошлари билан фаол мулоқот қилиш, бугунги дунёда рўй бераётган барча воқеа-ҳодисалар, янгилик ва ўзгаришлардан атрофлича хабардор бўлиш, жаҳондаги улкан интеллектуал бойликни эгаллашнинг энг муҳим шарти ҳисобланган хорижий тилларни ҳам чуқур ўрганишлари учун катта аҳамият бермоқдамиз.**

Таълим жараёнини ислох этиш ва меҳнат бозорида талаб қилинадиган юқори малакали кадрлар тайёрлашда олий ўқув юртлари муҳим ўрин эгалламоқда. Ўтган давр мобайнида уларнинг сони икки

баробар ортди ва бугунги кунда мамлакатимиздаги 59 та университет ва олий ўқув юртида 230 мингдан зиёд талаба таълим олмақда.

Ўзбекистонда Вестминстер университети, Сингапур менежмент-ни ривожлантириш институти, Турин политехника университети, Россия нефть ва газ университети, Москва давлат университети, Россия иқтисодиёт университети каби юксак халқаро обрў-эътибор ва чуқур тарихий илдизларга эга бўлган Европа ва Осиёнинг етакчи олий ўқув юртларининг филиаллари ташкил этилди ва муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Ушбу олий ўқув юртларида машинасозлик, нефть-газ иши, ахборот технологиялари, иқтисодиёт ва бизнес бошқаруви, молиявий менежмент, тижорат ҳуқуқи каби меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрланмоқда ва биз учун ғоят муҳим жиҳати шундаки, уларнинг битирувчилари бутун дунёда тан олинадиган дипломларга эга бўлмоқда.

Жорий йилда Ўзбекистон Миллий университети ва Фанлар академияси томонидан Буюк Британиянинг етакчи олий ўқув юрти – Кембриж университети билан ҳамкорликда Юксак технологиялар ўқув-тажриба маркази ташкил этилмоқда. Марказнинг асосий вазифаси – иқтидорли талабалар, аспирант ва ёш олимларни кимё, физика, биология, биокимё, биофизика, геология ва геодезия соҳаларида амалий инновацион илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда илмий ишланмаларни амалга оширишнинг замонавий методларига ўргатишдан иборат. Марказни энг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш кўзда тутилмоқда. У ерда Кембриж университетининг олим ва мутахассислари конкрет йўналишдаги тадқиқот ишларини амалга ошириш жараёнида ёш олимларни тайёрлаб боради.

Шуни қайд этиш жоизки, айнан шу йўналиш, яъни қатор академик илмий муассасаларни университетлар ихтиёрига бериш ва ҳамкорликда фойдаланиладиган олий ўқув юртлариаро замонавий илмий лаборатория мажмуаларини тузиш ҳисобидан олий ўқув юртларининг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятга асосланган ўқув жараёнини интеграциялаштириш ҳозирги босқичда долзарб аҳамият касб этади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда ёшларни спорт билан шуғулланишга жалб этиш муҳим ўрин эгаллайди. Бюджет, ҳомийлик ва хайрия маблағлари ҳисобидан молиялаштирилдиган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилгани айнан шундан далолат беради. Ўтган давр мобайнида ушбу фонд маблағлари ҳисобидан қарийб 1500 та энг замонавий, барча ёшлар фойдаланиши мумкин бўлган болалар спорти объекти барпо этилди. Бугунги кунда мамлакатимиздаги деярли ҳар бир мактаб, коллеж ва лицей очиқ спорт майдончалари қаторида замонавий спорт анжомлари билан жиҳозланган ёпиқ спорт заллари ва сузиш ҳавзаларига эгадир.

Юртимизда уч босқичдан иборат, ҳар йили ўтказиладиган, мактаб ўқувчилари учун алоҳида, касб-ҳунар коллежи ва академик лицей ўқувчилари учун алоҳида беллашувларни, олий ўқув юртлари талабалари учун Универсиадани ўз ичига олган яхлит спорт мусобақалари тизими шаклланди. Бундай тизим юз минглаб фарзандларимизни, йигит ва қизларни оммавий равишда жисмоний соғломлаштириш ва спорт ҳаракатига жалб этиш имконини бермоқда.

Мутахассисларни тайёрлаш сифати ва уларнинг реал иқтисодиётда талаб этилиши масалалари бизнинг доимий эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда.

Дастур доирасида коллежлар, лицей ва олий ўқув юртлари учун ўқитувчилар ва домлалар таркибини тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини қайта ташкил этиш, аввало, ўқув-услубий базани бутунлай қайта кўриб чиқиш ва замонавий талабларга жавоб берадиган янги стандартлар, дарслик ва ўқув-услубий қўлланмаларни тасдиқлаш бўйича кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди. Айниқса, **ўқитувчилар фаолиятини баҳолаш ва рағбатлантириш мезонлари тубдан ўзгартирилганини** алоҳида таъкидламоқчиман.

Шу ўринда қуйидаги мисолларни келтириб ўтмоқчиман. Кейинги ўн йилда касб-ҳунар коллежлари, лицей ва олий ўқув юртлари ўқитувчилари иш ҳақининг ўсиш суръатлари иқтисодиётнинг реал соҳасидаги иш ҳақи миқдоридан ўртача 1,5 баробар кўп ўсди. Бу рақам яна ва яна бир бор шундан далолат берадики, биз ўқитувчилар меҳнатини муносиб тарзда, айтиш мумкинки, устувор даражада баҳоламасдан ва

уларга шу асосда ҳақ тўламасдан туриб, бугунги натижаларга, ўз олдимизга қўйган мақсадларга ҳеч қачон эришолмаган бўлар эдик. Яна бир бор такрорлайман: ўқитувчиларнинг меҳнат ҳақи кейинги ўн йилда бутун иқтисодиётимизнинг бошқа соҳаларидагига қараганда 1,5 баробар кўп ошди.

Умуман, Ўзбекистонда таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ этишга йўналтирилаётган йиллик харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этаётгани ва бу тизимнинг Давлат бюджети харажатларидаги улуши 35 фоиздан ортикни ташкил этиши ўз-ўзидан мазкур соҳага қаратилаётган улкан эътиборнинг яққол тасдиғи ҳисобланади.

Менимча, дунёнинг бошқа давлатларида ялпи ички маҳсулотнинг ўртача 10-12 фоизини ташкил этадиган бундай кўрсаткични камданкам учратиш мумкин. Бу биз учун таълим жараёнларининг нақадар улкан устувор аҳамиятга эга эканини, мамлакатни ислоҳ қилиш ва Ўзбекистонда замонавий демократик давлат барпо этиш бўйича бошланган ишларнинг давомчиси бўладиган, янги ғояларни дадил илгари сурадиган ёш авлодни тарбиялайдиган ўқитувчилар меҳнатига ҳурмат билан муносабатда бўлаётганимизни яна бир бор тасдиқлайди.

Мамлакатимизда 1996 йилда қабул қилинган қонунга кўра, ҳар йили 1 октябрь санаси **Ўқитувчилар ва мураббийлар куни** – умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиб келаётгани ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялашда педагоглар меҳнатининг роли ва аҳамияти жамоатчилигимиз томонидан юксак эътироф этилаётганининг ёрқин ифодаси бўлди.

Ишончим комил, Ўзбекистонда дунёдаги энг олижаноб ишга ўзини бағишлаган инсонлар учун қилинаётган барча ишлар ўзини тўла оқламоқда. Агарки биз ҳақиқатан ҳам муносиб авлодни тарбияламоқчи бўлсак, ёшларимизга таълим-тарбия бераётган инсонларга муносиб тарзда муносабатда бўлишимиз лозимлигини ҳаммадан кўра яхшироқ тушунадиган сиз, муҳтарам анжуман иштирокчиларининг ҳузурингизда бу сўзларни айтиш менга айниқса мамнуният бағишлайди.

Шу ўринда таълимни ривожлантиришга йўналтирилган хорижий техник ёрдам ҳажмининг тобора ортиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Ўтган даврда бу борадаги ёрдам 701 миллион доллар-

дан ошиб кетди. Бу ҳақда гапирганда, биринчи навбатда, Осиё тараққиёт банкининг салкам 269 миллион доллар маблағи, Япония ҳукуматининг 136,5 миллиондан ортиқ, Жанубий Корея ҳукуматининг 100,08 миллиондан ортиқ, Жаҳон банкининг 43 миллион, ОПЕК фонди, Саудия фонди, Ислом тараққиёт банкининг 53,5 миллион, Германия ҳукуматининг «КфВ» банки орқали йўналтирилган қарийб 20 миллион ва бошқа донорларнинг 80 миллион доллардан ортиқ ёрдами қайд этиш лозим.

Мана шу юксак минбардан туриб, биз учун ўта муҳим бўлган ушбу вазифани ҳал этишда Ўзбекистонни қўллаб-қувватлаб, бекиёс ёрдам кўрсатиб келаётганлари учун халқаро молия ташкилотлари ва банкларига, барча чет эллик шерикларимиз, хорижий мамлакатлар ҳукуматларига самимий миннатдорлик билдириш менга катта мамнуният етказди.

Ҳурматли конференция иштирокчилари!

Ўзбекистонда қабул қилинган Таълим соҳасини ислоҳ этиш ва малакали кадрлар тайёрлаш дастурини амалга ошириш бўйича ўтган даврда бажарилган ишларни бугун қандайдир ўлчов ва рақамлар билан баҳолаш жуда қийин, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Шу билан бирга, бу ҳақда сўз юритар эканмиз, яна бир жиҳатни назарда тутишимиз лозим. Яъни, бизнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган Дастур – бу бошқа моделларни қандайдир такрорлаш ёки улардан нусха кўчириш эмас, аксинча, биринчи навбатда, ривожланган демократик давлатларда тўпланган тажрибани ўзида мужассам этган ва айни пайтда шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замон талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган дастурдир.

Бу борада яна шуни ҳам ҳисобга олиш зарурки, қадимий Ўзбекистон замини кўп асрлар давомида фан ва маърифат ўчоғи, жаҳон цивилизацияси марказларидан бири бўлиб келган, илму маърифатга интилиб яшаш эса халқимиз менталитетининг ажралмас қисмига айланиб кетган. Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Фарбда Авиценна номи билан машҳур бўлган Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва бошқа кўплаб буюк аждодларимиз бутун дунёда ўзларининг математика, астрономия, геодезия, минералогия, фармакология ва тиббиёт соҳаларидаги тенгсиз кашфиётлари билан шухрат қозонганлар.

Ўйлайманки, илм-фанда «алгоритм», «ўнлик санок системаси» ва «нол» тушунчаларининг кашф этилиши айнан Хоразмийнинг номи билан боғлиқ экани кўпчиликка яхши маълум. Абу Райҳон Беруний эса Америка қитъаси кашф этилишидан 500 йил олдин бу қитъанинг мавжудлиги ҳақида башорат қилган. Яна бир буюк аждодимиз Абу Али ибн Сино ўша олис XI асрда тиббий жарроҳлик операциясини амалга оширгани билан дунёга машҳур. Энг асосийси – унинг «Тиб қонунлари» асари 500 йил давомида Европанинг нуфузли олий ўқув юртларида барча талабалар учун дарслик сифатида ўрганиб келинган. Буюк астроном Мирзо Улуғбек XV асрдаёқ Самарқандда обсерватория барпо этиб, юлдузлар харитасини тузган. Ўйлайманки, бу улуғ зотларни ҳақли равишда жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган инсонлар сифатида таърифлаш мумкин.

Биз неча асрлар давомида илм-маърифат ёғдусини таратган буюк аждодларимиз ҳақида гапирар эканмиз, ёш авлодимизга, менинг фарзандларимга қарата такрор ва такрор айтаман: албатта, биз улуғ алломаларимиз даҳоси билан фахрланишимиз керак. Шу билан бирга, ўзимизга савол беришимиз лозим: уларнинг муносиб давомчилари бўлиш учун бугун биз нима қилмоқдамиз?

Биз ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган замонавий давлат қуриш йўлига қадам қўйиб, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари изчиллик билан ўтишни таъминлар эканмиз, **фақат миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги заруратини теран англайдиган, замонавий билимларни, интеллектуал салоҳият ва илғор технологияларни эгаллаган инсонларгина ўз олдимизга қўйган стратегик тараққиёт мақсадларига эришиши мумкин эканини** ҳамиша ўзимизга яхши тасаввур этиб келмоқдамиз.

Таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш одамларимизнинг онгу тафаккури ва дунёқарашини ўзгартириш, уларнинг сиёсий ва гражданлик фаоллигини, ўз келажагига бўлган ишончини оширишнинг энг муҳим омили ва мустаҳкам асосига айланди, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайдди. Энг муҳими шундаки, бизнинг янги авлодимиз, билимли, ўтмишнинг ҳар қандай иллатларидан озод бўлган ёшларимиз бугунги кунда мамлакатимизни демократлаштириш ва либераллаштириш, уни янгилаш ва

ишончли тарзда раvнақ топтиришнинг ҳал қилувчи ҳаракатлантирувчи кучига айланиб бормоқда.

Шу борада ўтган давр мобайнида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни – шу рақамга эътибор беришингизни сўрайман – 2 миллион 300 мингдан зиёд ўғил-қизларимиз битириб чиққани, жорий йилда эса 500 мингдан ортиқ ўқувчи ўрта тоифадаги мутахассис дипломини олиб, ўқишни тамомлашини айтиб ўтиш кифоя, деб ўйлайман. Бу ёшлар нафақат иқтисодийни модернизация ва диверсификация қилишнинг, айтилиши вақтда мамлакатимиз кадрлар таркибини сифат жиҳатидан янгилашнинг кудратли омили ҳисобланади.

Нуфузли халқаро молиявий ташкилотларнинг баҳоларига кўра, Ўзбекистон ҳали-бери давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқирозга қарамасдан, ўтган беш йил давомида 8,5 фоиздан кам бўлмаган барқарор юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолмоқда. 2000 йил билан солиштириганда, ялпи ички маҳсулотнинг кўпайиши 2,1 баробарни ташкил этди. Жорий ҳисоб-китобларнинг профицити, ташки қарзнинг пастлиги ва валюта захираларининг етарли даражада бўлиши таъминланмоқда, ўрта муддатли истиқболда иқтисодийнинг юқори суръатларда ўсиши башорат қилинмоқда.

Шуни қайд этиш муҳимки, бундай суръатлар, биринчи навбатда, таркибий ўзгаришлар ва иқтисодийни диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқсак технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларини жадал ривожлантириш, фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ҳисобидан таъминланмоқда.

Агар ўтган ўн йил давомида Ўзбекистон иқтисодийига 80 миллиард доллар ҳажмидаги капитал қўйилмалар йўналтирилган бўлса, уларнинг 23 миллиард доллардан зиёди ёки қарийб 30 фоизини хорижий инвестициялар ташкил этди. Чет эл инвестицияларининг 2012 йилдаги ўсиши 16 фоизни ташкил этиши, уларнинг 70 фоизи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардан иборат бўлиши кутилмоқда. Бу эса, ўз-ўзидан мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга хорижий капиталнинг қизиқиши ва энг муҳими, Ўзбекистоннинг тараққиёт

истикболларига бўлган ишончинг тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

Юқорида баён қилинган фикрларни яқунлаган ҳолда, Ўзбекистон тарихий мезонларга кўра қисқа муддат бўлган 15-20 йил давомида бизнинг бош мақсадимиз – дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш ва мамлакатимиз аҳолиси учун муносиб ҳаёт шароити ва сифатини яратиш йўлида ғоят улкан қадам қўйди, деб айтишга барча асосларимиз бор. **Ва бу билан биз ҳақли равишда фахрланамиз.**

Қадрли дўстлар!

Мазкур анжуманда муҳокама қилиш учун таклиф этилган, иқтисодиётни изчил ва барқарор тараққий эттиришнинг энг муҳим шarti бўлган таълим тизимини ислоҳ этиш масалалари инсониятнинг буюк мутафаккирларини доимо ўйлантириб келган вазифа – ҳар томонлама уйғун ривожланган баркамол шахсни шакллантиришнинг кўп қиррали ва кенг қамровли муаммоларининг барча жиҳатларини ҳеч бир даражада тўлиқ қамраб олиши мумкин эмаслигини биз албатта яхши тушунамиз.

Иккинчидан, муайян бир мамлакат доирасидаги таълим жараёнини ислоҳ этишнинг ҳар қайси модели универсал даражага кўтарилишга даъво қилиши мумкин эмас. Мамлакатимизда Таълим тизимини ислоҳ қилиш дастурини жорий этиш бўйича амалга оширилган ва амалга оширилаётган барча ишлар биринчи навбатда Ўзбекистоннинг узоқ муддатли манфаатларига, унинг ҳозирги анча мураккаб ривожланиш босқичининг мавжуд ҳолати ва хусусиятларига жавоб беради.

Ўйлайманки, барчамиз вақт ҳам, таълим тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари ҳам бир жойда тўхтаб турмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз. Бу борада мазкур соҳада меҳнат қилаётган барча инсонларнинг, нафақат бўлажак кадрларни тайёрлаётган, айти пайтда ана шу кадрлар талаб қилинадиган соҳалар вакилларининг халқаро ҳамкорлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Шунинг учун ҳам конференция қатнашчилари томонидан ялпи йиғилиш ва секция мажлисларида, бошқа мамлакатларда тўпланган

қимматли тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, билдириладиган фикр-мулоҳаза ва таклифлар биз учун ғоят муҳимдир.

Ўзбекистон мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг тегишли олий ўқув юртлари ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини алоҳида қайд этмоқчиман. Биз мазкур форумнинг асосий маъно-мазмунини ҳам айнан шунда кўрамиз.

Шу ўринда бир таклифни алоҳида таъкидламоқчиман. Қани энди, бундай учрашув ва анжуманлар тез-тез ўтказиб турилса.

Сизлар бу таклифга нима дейсиз? Албатта, Ўзбекистон халқининг меҳмондўстлиги ҳақида кўп гапирилади, лекин биз сизларнинг мамлакатимизга тез-тез келиб, эл-юртимизга хос ана шу ноёб фазилатни ўз мисолингизда кўпроқ ҳис этишингизни истардик. Бизнинг мулоқотимиз ва ҳамкорлигимиз фақат биз бугун муҳокама қилиш учун йиғилган мавзу нуктаи назаридангина муҳим эмас. Бундай мулоқотларда наинки муҳокама қилинаётган мавзу доирасидаги, балки кенг кўламдаги бошқа масалалар бўйича ҳам ҳамкорликка асос солинади. Энг муҳими, олимлар, раҳбарлар, мутахассислар, профессор-ўқитувчиларнинг ҳамкорлиги орқали, дунёнинг қайси ўлкасида яшаши, ўқиши ва меҳнат қилишидан қатъи назар, талабалар ва ёшларнинг ҳамкорлиги вужудга келади.

Шунинг учун ҳам биз барчангизни Тошкентда, нафақат Тошкентда, балки қадимий тарих ва цивилизация бешиклари бўлган Самарқанд, Бухоро, Хива сингари шаҳарларимизда кўришдан хурсандмиз.

Шу имкониятдан фойдаланиб, сиз муҳтарам меҳмонларимизга, барча конференция қатнашчиларига яна бир бор ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромим ва самимий миннатдорлигимни билдиришга рухсат этгайсиз.

Барчангизга сihat-саломатлик, олижаноб фаолиятингизда янги ютуқ ва омадлар, конференция ишига муваффақият тилайман.

Эътиборингиз учун ташаккур.

**ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ПРЕЗИДЕНТИ ХАРУХИКО
КУРОДАНИНГ «ЮКСАК БИЛИМЛИ
ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНГАН АВЛОДНИ
ТАРБИЯЛАШ – МАМЛАКАТНИ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЙ
ЭТТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ
ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО
КОНФЕРЕНЦИЯДАГИ НУТҚИ**

Мухтарам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов
Жаноби Олийлари!

Ҳурматли вазирлар, конференция иштирокчилари, хонимлар ва жа-
ноблар!

Ўзбекистонда яна меҳмон бўлиш менга катта мамнуният бағиш-
лайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ва
Ўзбекистон халқининг 2010 йилда Тошкентда муваффақият билан
ўтказилган Осие тараққиёт банкининг (ОТБ) йиллик мажлиси чоғида
кўрсатган самимий эҳтиромини мен миннатдорлик билан эслайман.
Ушбу ажойиб мамлакатда яна бир бор бўлиш, таълим масалаларига
бағишланган ва юксак савияда ташкил қилинган мазкур халқаро конфе-
ренцияда иштирок этиш имконияти учун миннатдорлик изҳор этаман.
Шу муносабат билан баъзи фикр-мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

Бевосита таълим масалалари хусусида сўз юритишдан аввал мам-
лакатингиз иқтисодиёти муваффақиятли ривожланиб бораётгани билан
Ўзбекистон халқини табриклашга ижозат бергайсиз.

Ўзбекистон 2011 йилда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини яна
бир бор намоён этди. Бу муваффақият, Европада ҳамон давом этаётган
глобал муаммолар оқибатида жаҳон иқтисодиётида юзага келган мавҳум
бир шароитни ҳисобга олганда, айниқса, ғоят катта аҳамият касб эта-
ди. Жадал иқтисодий ривожланишнинг муҳим асосларидан бири – бу
Ўзбекистоннинг ташқи савдо позицияларининг мустаҳкамланиши ва
ҳукуматнинг инвестиция ҳамда ислохотларга босқичма-босқич ёнда-
шиши, аниқ стратегияга асосланган макроиқтисодий бошқарувидир.
Ўзининг кенг қамрови билан ажралиб турадиган бундай ёндашув мам-
лакатни ташқи бўҳронлардан ҳимоя қилиш билан бирга, мавжуд имко-

ниятлардан тўлиқ фойдаланиш ва шаҳарларда ҳам, қишлоқ жойларда ҳам янги иш ўринлари ташкил этиш орқали юқори иқтисодий ўсишни таъминлади.

Ўзбекистон, шунингдек, иқтисодиётни диверсификация қилиш, айниқса, саноатлаштириш соҳасида улкан муваффақиятларга эришди. Бу жараён, биринчи навбатда, саноатни ривожлантириш, жумладан, табиий газни қайта ишлаб, кимёвий маҳсулотга айлантириш, газ-кимё тармогини, агробизнес, логистика ва тўқимачилик соҳаларини ривожлантиришга асосланган. Бу ўзгаришлар жараёни нафақат халқ фаровонлигини, балки иқтисодий барқарорликни таъминлашда ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал хизматлар, энергетика ва транспорт соҳаларига инвестицияларнинг ўз вақтида ва пухта ўйланган ҳолда киритилиши маҳсулот ва хизматлар рақобатдошлигини, ишлаб чиқариш ва савдонинг самарадорлигини ошириш, амалга ошири-лаётган ўзгаришларни чуқурлаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

Таъкидлаш керакки, буларнинг барчаси иқтисодиёт ривожини ва жамият фаровонлигига хизмат қилишга қаратилган.

ОТБ Ўзбекистоннинг инвестициялар ва изчил ислохотлар йўлидан жадал ривожланиб боришида унинг асосий ҳамкорларидан бири бўлиб келди ва истиқболда ҳам шундай бўлиб қолади. Биз бугунги кунга қадар ва сўнгги йилларда давлат ва хусусий сектордаги лойиҳалар учун қарийб 3,8 миллиард доллар маблағ ажратдик. Бизнинг ҳамкорлик алоқаларимиз мустақкам рағбатлантирувчи аҳамиятга эга. Бу, айниқса, хусусий секторга инвестиция киритиш, нефть, газ ва нефть-кимё саноатини молиялаштиришда яққол намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон томонидан минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга муҳим эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Катта қисми Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлиги лойиҳаси доирасида амалга оширилган минтақавий аҳамиятга молик инвестицион лойиҳалар мамлакатдаги, шунингдек, Ўзбекистон билан унинг қўшнилари ўртасидаги транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш имконини берди.

Ўзбекистон киритаётган қатор инвестициялар Афғонистонда аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш ва умид уйғотишга хизмат қилаётганидан ғоят мамнунман. Ўзбекистон Кобул шаҳрига электр энергияси етказиб бераётган биринчи ва ҳозирча ягона мамлакатдир. Афғонистон пойтахти бугунги кунда кечаю кундуз узлуксиз Ўзбекистон томонидан электр энергияси билан таъминланмоқда. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Афғонистон тарихида биринчи марта темир йўл тармоғини мисли кўрилмаган қисқа муддатларда, бюджет маблағлари доирасида юқори сифат стандартлари асосида барпо этди. Бу ва бошқа минтақавий лойиҳалар янги савдо йўналишларини шакллантирмоқда.

Минтақавий ҳамкорлик Марказий Осиё учун Буюк Осиё асри сари йўл очмоқда. ОТБнинг яқинда эълон қилинган ҳисоботида XXI аср Осиё асри бўлиши мумкинлиги қайд этилган. Бундай истиқбол ҳали ўзининг аниқ ифодасини топмаган бўлса-да, лекин, аминманки, ҳар томонлама пухта ўйлаб амалга оширилаётган ислохотлар ва инвестициялар унга эришишга хизмат қилади. Ўзбекистон бундай эзгу орзунинг реал ҳаётда амалга ошишига ҳисса қўшиш учун барча имкониятларга эга.

Энди, ижозатингиз билан, бугунги конференция мавзуси бўлган таълим масаласига тўхталиб ўтсам.

Ўзбекистоннинг ижтимоий ва гуманитар ривожланиш борасидаги ютуқлари таҳсинга сазовордир. Президент Ислам Каримовнинг шахсан кўрсатаётган доимий эътибори ва ташаббуси бу муваффақиятларнинг ҳал қилувчи омили бўлмоқда. Ўзбекистон бошланғич, ўрта ва олий таълим соҳаларида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида изчиллик билан олға бормоқда. Таълим соҳасига ажратилаётган инвестициялар ушбу ва бошқа йўналишларда гендер тенглигини таъминлаш чора-тадбирлари билан мустаҳкамланмоқда.

Ишончим комилки, таълим соҳасига йўналтирилаётган катта ҳажмдаги инвестициялар Ўзбекистоннинг энг илғор мамлакатлар қаторидан жой олиши учун замин яратади. Ўзбекистоннинг таълим модели энг замонавий талабларга жавоб берадиган таълим муассасалари

барпо этиш билангина чекланмайди. Ушбу модель, авваламбор, сифатга, яъни ўқитувчилар, ўқувчилар, талабалар, ўқув дастурлари ва пировард натижада билимлар сифатини оширишга асосланган. Бундан ташқари, глобаллашув билан боғлиқ эҳтиёжлар ҳам ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган мазкур таълим модели Ўзбекистоннинг Осиёда, умуман, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Таълим ва тарбия мамлакат самарадорлиги ҳамда рақобатдошлигини оширишнинг муҳим омилларидандир. Шу муносабат билан Ўзбекистон бюджетидан таълим соҳасига ажратилаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этаётганига эътиборингизни қаратмоқчиман. Мамлакат умумий йиллик бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда ва бунинг ярми таълим соҳасига тўғри келади.

Таълим соҳасини тараққий эттириш дастури ва бу соҳага киритилаётган инвестициялар касб-хунар таълимини ривожлантиришни ҳам ўз ичига олади. 12 йиллик универсал ва мажбурий бепул таълим дастури 9 йиллик умумий ўрта таълимни ҳам ўзига қамраб олади. Бу дастур ўқувчиларга иқтисодиёт миқёсида энг истиқболли ва жадал ривожланиб бораётган соҳалар билан боғлиқ йўналишлар бўйича касб-хунар кўникмаларини эгаллаш имконини бермоқда. Таълим тизими, шунингдек, тобора кўпроқ технологиялар ва замонавий оммавий ахборот воситалари ҳамда телекоммуникация воситаларидан фойдаланиш негизига қурилмоқда.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда замонавий воситалар билан жиҳозланган 1500 дан ортиқ касб-хунар коллежлари ва лицейлар фаолият юритмоқда. Шунингдек, 59 олий ўқув юрти, Европа ва Осиёнинг нуфузли олий ўқув юртларининг филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Тошкентда Қуёш энергияси бўйича халқаро илмий-тадқиқот институтининг таъсис этилиши таълим соҳасида қўлга киритилаётган ютуқларга яна бир ёрқин мисолдир. Кеча ОТБ ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасида мазкур институтни ҳамкорликда ташкил этиш тўғрисида ҳужжат имзоланди.

Ўзбекистондаги катта қизиқиш уйғотаётган дастурлардан бири – бу Болалар спортини ривожлантириш жамғармасидир. Бу инновациялар ва диверсификацияга ёркин мисол бўлиб, интеллектуал ва жисмоний ривожланишни соғлом турмуш тарзи билан уйғунлаштириш нечоғлик улкан самаралар бераётганини яққол кўрсатмоқда.

Таълим соҳаси бизнинг «Стратегия – 2020» деб номланган, узоқ муддатга мўлжалланган стратегиямизнинг бешта асосий йўналишларидан биридир. ОТБ таълим соҳасини ривожлантиришда Ўзбекистон билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бугунги кунда мамлакат бўйича мактаблар, ўқитувчиларни тайёрлаш, дарслик ва таълим дастурларини молиялаштиришга оид саккизта лойиҳа маъқулланган.

Маълумки, ижтимоий ва инсон салоҳияти барқарор иқтисодий юксалишнинг муҳим омилидир. Ўзбекистон бугунги ва эртанги кунга доир вазифаларни изчиллик билан ҳал этиш учун муҳим қадамлар қўймоқда. Бу иқтисодий ўсиш натижаларининг барча ва ҳар бир киши ўртасида тенг тақсимланишини таъминлайди. Таълим – имкониятлар тенглигини таъминлайдиган буюк мезон. У жамият ақл-заковатининг юксалиши, рақобатдошликнинг кучайиши ва ютуқлар қўпайишининг муҳим омили вазифасини ўтайди.

Пировардида ОТБнинг «Осиё – 2050» тадқиқотига эътиборингизни қаратмоқчиман. Мазкур тадқиқотда келажакдаги иқтисодиёт чуқур билим, илм-фан ва технологик инновацияларга асосланиши қайд этилган. Бундай иқтисодиёт рақобатдош ва самарали бўлади. У мамлакатни даромади ўртача бўлган босқичдан даромади юқори давлатлар даражасига етказишда, тинч ва барқарор жамиятни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Бундай иқтисодиёт юксак билимга, таълим соҳасидаги ютуқларга, энг илгор технологиялар устуворлиги ва тадбиркорлик ғайрат-шижоатига таянади.

Ушбу анжуман таълим ва билим эгаллаш нақадар ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини яна бир бор таъкидлайди. Ўзбекистон таълим соҳасида энг юксак стандартларга амал қилмоқда. Ўзбекистон ҳукумати бу борада ғоят самарали ишларни амалга ошираётганини

таъкидламоқчиман. Келажакка мўлжалланган саъй-ҳаракатлар юксак ва узок муддатли натижалар беришига ишончим комил.

Ўзбекистон кенг миқёсдаги ўз ривожланиш стратегиясига эга бўлиб, ислохотларни бундан кейин ҳам изчил давом эттириш, иқтисодий ўсишни таъминлаш, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган ижтимоий инвестицияларни кўпайтириш йўлидан дадил ва қатъият билан бораверади, деб ишонаман.

**КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ
ЯЛПИ МАЖЛИСИДАГИ
ЧИҚИШЛАР**

Абдулла Арипов,
Ўзбекистон Республикаси
Бош вазири ўринбосари

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ

Хурматли анжуман қатнашчилари ва меҳмонлар!

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!

Аввало сизларни қутлаш ва ушбу халқаро анжуман ишида қатнашаётганингиз учун самимий миннатдорлигимни билдиришга ижозат бергайсиз.

Ҳаммангизга маълумки, бугунги кунда жаҳонда таълим ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг асосий омили ва зарурий шarti, энг муҳим кадрияти ва асосий бойлигига айланмоқда, изланувчан, мустақил ижодий фикрлашга, янги билимларни эгаллашга интилувчи, ижтимоий фаол ва ижодкор шахс эса жамиятнинг устувор ҳаракатлантирувчи кучи сифатида қаралмоқда.

XX асрнинг 90-йиллари бошларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримов томонидан мамлакатимиздаги энг муҳим кадриятларни сақлаш, кадрлар тайёрлаш тизимининг асосий таркибий қисмларини тубдан модернизация қилиш ва аҳолининг таълим соҳасидаги салоҳият даражасини ҳар томонлама юксалтириш учун Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ўз аксини топган узлуксиз таълимнинг янги модели таклиф қилинди.

Ушбу ҳужжатлардаги энг асосий устувор йўналишлар мамлакатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган: «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт» деган дастурий ғоя асосида аниқ-равшан белгилаб берилди.

Кенг қамровли комплекс таълим ислоҳотлари натижасида юртимизда мураккаб ўзгаришлар йўли босиб ўтилди, таълим тизимини такомиллаштириш борасида улкан ишлар амалга оширилди, катта тажриба тўпланди.

9 йиллик умумий таълим ва 3 йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълимидан иборат 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим циклига ўтиш қабул қилинган моделни жорий этишнинг илк натижаларидан биридир.

Умумий ўрта таълимнинг моддий-техник базасини тубдан яхшилаш, унинг кадрлар ва услубий таъминотига, болалар спортини ривожлантиришга қаратилган, 2004–2009 йилларда амалга оширилган «Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури» умумий ўрта таълимни ривожлантиришда муҳим омил бўлди. Дастурга мувофиқ, мамлакатимизда 351 та янги мактаб қурилди, 3 миллион ўқувчи ўрнига эга бўлган 8150 та мактаб тубдан капитал таъмирланди.

Ҳозирги кунда республикаимизда 9779 та мактаб фаолият кўрсатмоқда. Уларда 4,5 миллиондан ортиқ ўқувчи таълим олмоқда, бошланғич ва ўрта таълимда болалар 100 фоиз, яъни тўлиқ қамраб олинган.

Ўқувчиларга 7 тилда: ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозок, тожик, қирғиз ва туркман тилларида билим берадиган таълим муассасаларининг ташкил этилиши мамлакатимиздаги таълим тизимининг энг асосий хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Сўнги йилнинг ўзида ушбу таълим муассасалари учун ҳар бир тилда умумий тиражи 32 миллион нусхадан зиёд 132 номдаги дарслик ва ўқув қўлланмаси чоп этилди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига кўра, давлат томонидан ҳар бир йигит-қизга бошланғич ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олиш, касбий лаёқат, билим ва малакасини чуқур ривожлантириш, ўзининг танлови ва хоҳишига биноан 2–3 та касбни эгаллаш имкони кафолатланади.

Ҳозирги кунда бир ярим миллиондан ортиқ ўқувчи таълим жараёнлари ишлаб чиқариш корхоналари билан узвий алоқада амалга ошириладиган, янги қурилган ва замонавий жиҳозланган 1396 та касб-ҳунар коллежи ва 141 та академик лицейда таълим олмоқда.

Олий таълим тизимида кадрлар тайёрлашнинг бакалавр ва магистр даражасини берадиган икки босқичли тизимини жорий қилиш таъминланди, олий таълим муассасаларини минтақалаштириш ва уларнинг ихтисосликларини рационаллаштириш, бакалаврият йўналишлари ва магистратура

мутахассисликларини оптималлаштириш борасида аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг энг муҳим соҳалари бўйича кадрлар тайёрлаш борасида янги йўналишлар жорий қилинди.

Бугунги кунда юртимизда 59 та олий таълим муассасаси, пойтахтимиздаги университетларнинг 11 та филиали ва етакчи хорижий университетларнинг 6 та филиали фаолият юритмоқда.

Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва олий таълим сифатини тубдан яхшилаш бўйича 2011 йилдан бошлаб беш йилга мўлжалланган давлат дастури амалга оширилмоқда. Дастур доирасида олий ўқув муассасаларининг ўқув ва илмий-лаборатория базасини мустаҳкамлаш, университетларда илм-фанни ривожлантириш, педагогларнинг касбий даражасини ошириш ишлари амалга оширилмоқда.

Дастурда ҳамкорликда фойдаланиладиган 15 та замонавий олий ўқув юртлариаро лаборатория мажмуасини яратиш кўзда тутилган бўлиб, улардан 7 таси минтақавий олий таълим муассасаларида энергияни тежаш ва энергиянинг қайта янгилашиш манбалари, оптика, кимё технологиялари, нефть ва газни қайта ишлаш, энергияни тежайдиган қурилиш материаллари каби фан тармоқлари бўйича ташкил қилиниши мўлжалланган. Шунингдек, 296 та ўқув лабораториясининг тўлиқ янгилашиши назарда тутилган.

Алоқанинг оптик-толали линиялари асосида олий таълим муассасалари ва уларнинг филиалларини ягона юқори тезликдаги корпоратив тармоққа бирлаштирадиган электрон таълимнинг миллий тармоғини яратиш лойиҳаси амалга оширилди. Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида 2011 йилда барча олий таълим муассасалари ягона тармоққа уланди. Кейинги йилларда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидаги ўқув муассасаларини ҳам «Электрон таълим» ягона корпоратив тармоғига босқичма-босқич улаш кўзда тутилмоқда.

Маълумки, замонавий таълим соҳаси университетлардаги илм-фан ривожини билан узвий боғланган. Ислоҳот йилларида юртимизда илмий тадқиқотларнинг янги йўналишлари вужудга келди, университетларимизда илм-фан соҳасида илмий мактаблар шакллантирилди.

Мамлакатимизда 2002 йилдан бошлаб молиялаштирилаётган лойиҳаларни танлашга нисбатан селектив ёндашувни таъминлаш ва уларнинг самарадорлигини оширишга имкон берган илмий тадқиқотларни молиялаштиришнинг грант тизими жорий қилинди.

Ҳозирги вақтди Ўзбекистон олий таълим муассасалари жаҳоннинг етакчи университетлари ва илмий марказлари билан ҳамкорликни амалга оширмоқда ҳамда Европа Иттифоқи, Британия Кенгаши, Германиянинг академиялар билан тажриба алмашинув хизмати, Гёте институти, Халқаро ҳамкорлик бўйича Германия жамияти, халқаро ҳамкорлик бўйича Корея ва Япония агентликлари, таълим ва илмий-техникавий лойиҳаларини жорий қилишда БМТ, ЮНЕСКО, Европа таълим фонди, ОТБ ва бошқа ташкилотларнинг ривожлантириш дастурларида фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан жисмоний ва маънавий баркамол авлодни шакллантириш, соғлом турмуш тарзига интилиш ва спортга меҳр уйғотиш мақсадида 2002 йилда Ўзбекистонда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилди ва бугунги кунда самарали иш олиб бормоқда.

Жамғарма фаолияти натижасида, 2012 йилнинг бошидаги ҳолатга кўра, 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган 2,2 миллион (36 фоиз) ўқувчи, шунингдек, 792 минг нафар (31,4 фоиз) қиз бола жалб этилган 1500 та замонавий болалар спорт иншоотлари курилди ва жиҳозланди.

Мактаб ўқувчилари учун «Умид ниҳоллари», касб-ҳунар коллежи ва академик лицей ўқувчилари учун «Баркамол авлод», олий таълим муассасаси талабалари учун «Универсиада» спорт мусобақаларининг уч босқичли яхлит тизими шакллантирилди. Бугунги кунда ушбу мусобақаларнинг барча босқичларида юз минглаб ўқувчи ва талабаларнинг иштирок этаётгани болалар ва ёшларни оммавий жисмоний-соғломлаштириш жараёнларига спортга кенг жалб этишни амалда таъминлади.

Ҳар томонлама етук шахсни тарбиялаш, баркамол авлоднинг ижодий қобилиятини аниқлаш ва ривожлантириш, унинг калбида меҳнатсеварлик туйғуларини ўстиришга йўналтирилган мактабдан ташқари болалар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш

мақсадида «Баркамол авлод» болалар маркази ҳамда мусиқа ва санъат мактабларини янгитдан қуриш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича давлат дастурлари ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Ушбу дастурлар доирасида 2015 йилгача 215 та «Баркамол авлод» болалар маркази ва 278 та болалар мусиқа ва санъат мактаби фойдаланишга топширилади ва жиҳозланади.

Таълим тизимини ислоҳ қилиш ва раванк топтириш иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техника ва технологияларни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган мунтазам янгиланиш, такомиллаштиришни талаб қиладиган узлуксиз жараёндир.

Қурматли анжуман қатнашчилари!

Бугунги халқаро конференция Ўзбекистон таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришда эришилган натижаларни муҳокама қилиш ва таҳлил этиш асосида таълимни модернизация қилишнинг кейинги йўналишларини ишлаб чиқишда асосий туртки бўлиб хизмат қилишига умид билдиришга ижозат этгайсиз.

Сизларга ёш авлодга таълим-тарбия беришдек олижаноб фаолиятингизда ижодий муваффақиятлар ва улкан ютуқлар тилайман.

Нойлин Хейзер,
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
Бош котибининг ўринбосари

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!

Ушбу конференцияни ўтказиш учун муносиб бўлган жойлар, албатта, кўп, лекин бугун барчамиз шунга ишонч ҳосил қилмоқдамизки, бунинг учун мана шу Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳаммасидан ҳам муносибдир.

Буюк давлат арбоби, аллома, машҳур шоир ва сермаҳсул ижод соҳиби, беш асрдан ортиқ давр мобайнида биз ҳурматини жойига қўйиб, улуғлаб келаётган Алишер Навоий ўз даврининг энг ёрқин мутафаккирларидан биридир.

БМТ Бош котиби таъкидлаб айтганидек: «Инсонлар – ҳар қандай миллатнинг энг катта бойлигидир, лекин бу бойлик сифатли таълимга асосланмоғи лозим».

Таълим кўп жиҳатдан тараққиётдаги бўшлиқни тўлдирадиган маърифий ўзакдир. Ёшликда олинган пухта билим бутун умр давомида керак бўлиш билан бирга, кейинги авлодларнинг ривожига ҳам муҳим роль ўйнайди. Таълим соҳасида қўлга киритилаётган ютуқлар оналар ва болалар ўртасида ўлимнинг камайишига, овқатланиш сифатини яхшилашга, иммун тақчиллиги вирусини бартараф этишга, қашшоқлик даражасининг пасайишига олиб келади, аёллар ҳамда ёшларда ўзига нисбатан ишонч ва қатъият туйғусини уйғотади.

Аммо таълим бундан ҳам муҳим масалаларни ҳал этади. У чексиз имкониятлар эшигини очади, одамнинг фикрлаш тарзини ўзгартиришга, ёшликдаги орзуларни амалга оширишга, ҳозирги мавжуд вазият билан биз интилиб яшаётган келажак ўртасидаги бўшлиқни тўлдиришга ёрдам беради.

Жаҳон ҳамжамияти 22 йил давомида универсал бошланғич таълимни йўлга қўйиш ва ялпи саводсизликни камайитиришга интилиб келмоқда.

Узлуксиз таълим миллий дастури қабул қилинганига ҳам 12 йил бўлди. Бу дастур бошланғич ва иккинчи давр таълим босқичларини ўз ичига олади.

БМТ томонидан қабул қилиниб, 2015 йилгача амалга ошириш мўлжалланган Узлуксиз таълим лойиҳаси ва Мингйиллик ривожланиш мақсадларини яқунига етказиш учун 3 йил қолди. Яъни, кейинги босқич учун туртки бўлиб хизмат қиладиган сўнгги босқич бошланди. Ўзимизга шундай савол бериб кўрайлик: ҳозирги кунда дунё миқёсида қанча бола шундай имкониятга эга? XXI асрнинг таълим имкониятларидан фойдаланиши учун уларнинг қанчасини билим олишга жалб эта олдик?

Марказий Осиёда бу дастур таълим даражасини ошириш имконини берди, бу ўзига хос ривожланиш бўлиб, у мазкур минтақа мамлакатларида турлича намоён бўлди.

Масалан, умумий бошланғич таълим самарадорлигини ошириш борасидаги ижобий ишлардан бири жойларда 2008 йилда интернет тармоғига уланиш кўрсаткичи 90 фоизни ташкил қилгани бўлди. Қолган 10 фоизлик кўрсаткич болаларнинг ўзлари томонидан мустақил равишда амалга оширилиши назарда тутилаётганини таъкидлаш лозим.

Бугунги кунда Марказий Осиё бўйича катталар ўртасида саводхонлик даражаси 99,4 фоизни ташкил этмоқда, дунё бўйича эса бу кўрсаткич 83,7 фоизни ташкил этади. Бироқ 2009 йилда 330 000 нафар катта ёшдаги одам саводсизлигича қолган, уларнинг 67 фоизини аёллар ташкил этди.

Таълимнинг муҳим хусусиятларидан яна бири унинг сифати масаласидир. Иккинчи босқичдаги умумий таълим жараёнининг ўсиши ҳақида куйидаги рақамлар далолат беради: 2008 йилда ўқитувчиларнинг жалб қилиниш даражаси Ўрта Осиёда 1999 йилга нисбатан 11 фоиз ўсди.

Таълим – мамлакатни модернизация қилиш ва барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим шарти экани ушбу конференциянинг асосий мавзуси ҳисобланади.

Фурсатдан фойдаланиб, мен иқтисодий ривожланиш ва таълим ўртасида мустақкам алоқани йўлга қўйгани учун Ўзбекистон Республикасига ўз миннатдорлигимни билдирмоқчиман.

Аҳолисининг 60 фоизини ёшлар ташкил этадиган мамлакатда модернизация жараёнини муваффақиятли амалга ошириш келажак учун ёшлар кучидан самарали фойдаланиш имконини беради. Мамлакат

бўйлаб 1500 дан ортик касб-хунар коллежи ва академик лецейда мактабдан ташқари таълим янада яхшиланди ва бошқа таълим тизимлари билан ҳамкорлик қилиш учун янги дастурлар ишлаб чиқилмоқда, бу эса сон кўрсаткичларидан сифат кўрсаткичлари сари боришда ижобий натижалар бераётганида кўзга ташланмоқда.

Бундай ташаббуслар Тошкентни Марказий Осиёнинг таълим марказига айлантириш йўлидаги дастлабки энг муҳим қадамлардир.

Таълим соҳасига – бутун умр давомида билим-маърифатга интилиб, ўқиб-ўрганиб яшашга, шундай улуғ мақсадга инвестиция йўналтириш орқали биз инсонларни янги глобал иқтисодиёт шароитида фаолият кўрсатишга тайёрлаб, инсон капитали учун сармоя қўйган бўламиз.

Биз чет эл инвестицияларини жалб этиш, янги касб-хунарларни яратиш, барчамиз биргаликда равнақ топишимиз учун одамларнинг онгу шуурига зарур билим ва малака асосларини сингдириб борамиз.

Марказий Осиё халқаро йўл ва коммуникациялар кесишадиган муҳим чорраҳада жойлашган. Осиё минтақавий алоқаларни кучайтириш, ривожлантиришда йўл қўйилган камчиликларнинг ўрнини тўлдириш, ижтимоий ҳаётни юксалтиришга инвестиция сарфлаш, демографик муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш, барқарор ривожланадиган қишлоқ хўжалигини вужудга келтириш орқали ўзининг иқтисодий тараққиётини қўллаб-қувватлаш учун инвестициялар киритмоқда. Буларнинг барчаси Осиёни турли минтақаларнинг интеграциялашувига асосланган қудратли иқтисодиётга эга бўлган ҳудудга айлантириш учун яхши имконият яратади.

Сифатли таълим-тарбия асосий ва ҳал қилувчи устувор масала бўлган Ўзбекистон Республикасидек мамлакатда бу иқтисодий имкониятни жадал ички ўсишга айлантириш учун улкан салоҳият мавжуд.

Ўзбекистон ва БМТ учун, айниқса, Осиё ва Тинч океани минтақаси иқтисодий ва ижтимоий комиссияси учун устувор мақсад айнан шундир.

Осиё ва Тинч океани минтақаси иқтисодий ва ижтимоий комиссияси бундай вазифаларни бажаришда Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга тайёр. Биз ҳозирнинг ўзида бир нечта лойиҳалар устида иш олиб бормоқдамиз. Масалан, «куруқликдаги порт» ташаббусимиз Осиёнинг

асосий йўллари Трансosiё темир йўллари билан боғловчи халқаро моделдаги транспорт тизимини яратишга қаратилган. Бу қуруқликдаги мамлакат бўлган Ўзбекистон учун юк ташиш тизимини, денгиз портлари билан алоқани йўлга қўйиш ва иқтисодиётнинг янада ўсишини таъминлайди.

Келажакда қутилаётган ҳамкорлик соҳасини статистика соҳасида қўриш мумкин. Бизнинг Японияда жойлашган Тинч океани минтақасининг Осиё статистика институти статистик ахборот сифатини ривожлантиришда ёрдам кўрсатиш бўйича ўз ҳамкорлигини таклиф этишга тайёрдир.

Корея Республикасида жойлашган Ахборот ва коммуникация технологияларининг Тинч океани Осиё таълим маркази ёшларни замонавий иқтисодий билимларни эгаллашга тайёрлаб, Марказий Осиё бўйлаб ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасини ривожлантиришга қаратилган ахборотларни тақдим этмоқда.

Бугун ЭСЛФЕ (Етакчи ёшлар дастури) грантларидан бири ўзбекистонлик тадқиқотчига берилаётганини эълон қилиш менга мамнуният бағишлайди. Бу ёш лидерлар 3 ой бизнинг Бангкокдаги қароргоҳимизда бўлиб, у ерда келажакда ўз мамлакатини ривожлантириш учун зарур билим ва кўникмаларни эгаллашади.

Бугунги конференциянинг асосий эътибори таълим ва барқарор ривожланиш ўртасидаги алоқага қаратилган бўлиб, улар бир вақтда содир бўлмаслиги мумкин. Биз ўз қобилигимизга ўралиб, маҳдудликка берилган ҳолда барқарор ютуққа эриша олмаймиз. Уларнинг барчаси мутаносиб ҳолда ривожланиш борасидаги ўша муштарак мавзунинг таркибий қисмларидир.

Барқарор ривожланиш – глобал муаммо, шу билан бирга, бизнинг авлодимиз учун реал имконият ҳамдир. Барчамизни ўйлантирадиган, ташвишга соладиган жиҳати шундаки, биз фақат ўз билимимиз, ўз муносабатимиз ва хатти-ҳаракатларимизни ўзгартириш орқалигина ўз келажакимизни ўзимиз хоҳлаганимиздек яратишга қодир бўламиз. Таълим – дунёни ўзгартиришда бизга ёрдам берадиган энг муҳим воситадир.

Биз ўзимизнинг ишлаб чиқариш ва истеъмол соҳасидаги фаолиятимизнинг таркибий тузилишини ўзгартириш йўлини танлаб олиши-

миз, янги ғоялар ва технологиялар учун инвестициялар ажратишимиз, бизнес, давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида шериклик алоқаларини йўлга қўйишимиз лозим.

Мен Ўзбекистондаги таълим ва фуқаролик тасаввурлари ўрта-сидаги узвий боғлиқликни кўриб, гоят ҳайратга тушдим. Умумий бағрикенгликка асосланган кадриятлар ва мулоқотга киришишга тай-ёрлик, хушфەъллик таълимнинг барқарор ривожланиш йўлидаги ўзак тамойилидир.

Янада барқарор бўлган келгуси ҳаёт сари бориш жараёни иқтисодиётнинг тизимлаштирилган йўлини ўзгартиради. Айрим касб-хунарлар барҳам топади, лекин инновацион технологиялар ёр-дамида кўплаб янги касб-хунарлар пайдо бўлади, бу эса янги сано-ат тармоқларининг юзага келишига олиб келади. Бизнинг асосий ва-зифамиз бугунги ва эртанги иқтисодий тўлқинларда етакчи мавқега кўтарилиш мақсадида аввало ўзимизнинг иқтисодий билимларимизни, Осиё қитъасида истиқомат қилаётган аҳолининг янгича қараш ва ён-дашувларини шакллантириш учун умумий таълим-тарбия ҳамда касб-хунар таълимини бир махражга бирлаштиришдан иборатдир.

Сўзимни Алишер Навоийнинг шеърий сатрларига мурожаат қилиш билан якунламоқчиман. Бу улуғ зотнинг билим-маърифат борасидаги шиори «Оз-оз ўрганиб доно бўлур, қатра-қатра йигилиб дарё бўлур» де-ган содда, аини пайтда гоят теран маъноли сўзлардан иборат эди.

Ўзбекистоннинг бу конференцияни ўтказиш ташаббуси – таълим-тарбия соҳасига инвестиция йўналтириш, замонавий иқтисодиётни барқарор келажакка яқинлаштиришга қаратилган, ҳар томонлама пухта ўйланган тараққиёт стратегиясининг узвий бир қисмидир.

Биз – ўқитувчилар, молия, сиёсат, ижтимоий-гуманитар соҳа вакил-лари ўзаро ҳамжиҳатликда, кўлни кўлга бериб иш олиб борган ҳолдагина барқарор иқтисодий ўсишга эриша оламиз.

БМТ ҳамда Осиё ва Тинч океани минтақаси иқтисодий-ижтимоий комиссияси бу йўлда сизлар билан ҳамкорлик қилишга доимо тайёрдир.

Эътиборингиз учун раҳмат!

ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТДАГИ РОЛИ

Менга бутун мана шу минбардан туриб сизларга мурожаат қилиш имконияти берилгани учун ташаккур изҳор этмоқчиман. Мамлакатингизда таълим соҳасида эришилган муваффақиятлар борасида фикр алмашиш ва тўпланган тажрибалар билан ўртоқлашиш имконияти яратилгани учун ҳам миннатдорлик билдираман. Барқарор тараққиёт йўлида амалга оширилаётган таълим-тарбиянинг аҳамиятини тан олиш ва бунга оқилона муносабатда бўлиш кераклигини таъкидламоқчиман.

Бугунги кунда бутун дунёда университетларни тамомлаётган ва таълимнинг асосий маҳсули сифатида қаралаётган битирувчилар мавзусига алоҳида урғу бермоқчиман. Айнан яхши билимга эга бўлган, ўзига ишонган, ижтимоий кўникмаларни эгаллаган ёш авлодгина жамиятда ўзгаришлар қилишга қодир бўлади. Ҳозирги глобал ва универсал дунёда иқтисодий шарт-шароитлар, шунингдек, атроф муҳит шиддат билан ўзгармоқда.

Бугун мен сизлар билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан 2002 йилда Тошкент шаҳрида ташкил этилган университетнинг ютуқлари ҳақида ўртоқлашмоқчиман. Тошкент халқаро Вестминстер университети ўзида Вестминстер таълим тизимининг барча асосий кадриятлари ва афзалликларини мужассам этган. Охириги беш йил давомида мазкур университетни битириб чиққан ёшлар асосан Ўзбекистонда, бизнес, иқтисодиёт, инновацион технологиялар ҳамда юриспруденция соҳаларида фаолият кўрсатмоқда. Битирувчиларнинг 31 фоизи биринчи ёки иккинчи даражали мутахассис мақомини қўлга киритиб, уларнинг 92 фоизи ўқув жараёни тугаши билан ишга жойлашгани эътиборлидир. Бу ўз-ўзидан таълимни, умуман, унинг моделини қўллаб-қувватлашнинг энг яхши кўрсаткичи ҳисобланади.

Олий таълим миллий иқтисодиёт ривожига сезиларли таъсир кўрсатади, чунки бу тизимда билим ва ҳунар эгаллаган ёшлар катта бизнес ва инсон ресурсларини ишлаб чиқарадиган, иқтисодий ўсишни таъминлайдиган инновациялар муаллифлари ҳисобланади. Буюк Британия университети модели ижтимоий маҳорат, техник ва таҳлилий кўникмалар

билан уйғун ҳолда, битирувчиларда ҳозирги мураккаб дунёда ўз жамияти олдидаги фуқаролик бурчини бажариш учун масъулият туйғусини ҳам ривожлантирадиган таълим тизими намунасидир. Мен бу ўринда Буюк Британия университети моделининг тўртта асосий тамойилига урғу бермоқчиман: (I) сўз эркинлиги (масъулиятни ҳис этган ҳолда); (II) тадқиқотнинг юқори сифатини таъминлаш (зарур бўлган ҳолларда); (III) юқори сифат ва зарур натижаларга эришишда мустақилликни таъминлаш; (IV) университет фаолияти бошқарувида мустақиллик. Бешинчи тамойилни эса таълим муассасаларини истиқболда ривожлантиришга доир қарорлар қабул қилишдаги мустақиллик, Ҳукумат томонидан белгиланган Миллий дастур доирасида ўз фаолият йўналишларини ўзларининг устувор кадриятларини ҳисобга олган ҳолда танлаш эркинлигида кўриш мумкин.

Вестминстер университети битирувчилари – Ўзбекистонда халқаро даражадаги мутахассисларнинг ўсиши ва ушбу моделнинг Тошкент халқаро Вестминстер университетида муваффақиятли жорий қилинганини кўрсатади. Биз ҳар йили Лондонда 56 минг нафар юқори малакали битирувчига ёрдам берамиз, улардан 80 фоизи ўз минтақаси доирасида фаолият юритади. Дастлабки беш йил давомида Тошкент халқаро Вестминстер университети Буюк Британия университети модели асосида бизнес, иқтисод ва ҳуқуқ соҳасида 750 нафардан зиёд битирувчи тайёрлади. Ушбу битирувчилар Буюк Британия сифат таъминоти агентлиги томонидан мустақил баҳоланган ва Вестминстер университети бошқарув тизими томонидан тасдиқланган энг юқори халқаро стандартларга жавоб беради.

Вестминстер университетида таълимни спорт орқали ривожлантиришга ижтимоий кун тартибини амалга оширишнинг муҳим масаласи сифатида қаралади. Буни 2012 йили Лондонда Олимпиада мусобақалари ўтказилиши университетдаги ўқув-тадқиқот жараёнларида қандай ҳисобга олингани ҳам тасдиқлайди. Университет малика Виктория даврида ташкил этилган бўлиб, ўша пайтда Англияда спорт турли хил гуруҳларни бирлаштирадиган ва буюк яхлитликка дахлдорлик туйғусини уйғотадиган восита сифатида таълимнинг муҳим қисми ҳисобланган. Олимпиаданинг устунлик ва тенглик – ўз кучига ишонч, ўзаро ҳурмат асосида имкониятлардан фойдаланиш каби кадриятларининг барчасини бугунги кунда Вестминстер университети ўз фаолиятида ҳисобга олади.

Бизнинг таълим муассасамизнинг ижтимоий таъсирини келгусида янада фаоллаштириш ва турли спорт тадбирларидаги иштирокини кенгайтириш, шунингдек, университетимизнинг мавқеига дахлдор устувор кўрсаткичларни яхшилаш учун Олимпиада ўйинларидан фойдаланиш методларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хорижий тиллар, илм-фан ва санъатни ўрганишга қизиқиш, шунингдек, талабаларнинг бутун бир авлоди саломатлигига самарали таъсир кўрсатадиган спорт билан шуғулланишга бўлган иштиёкнинг ўсиши бу борадаги фаолиятнинг самараси бўлди. Ўйлайманки, Вестминстер университети бундан буён ҳам спортни қўллаб-қувватлаш орқали ривожлантириш келгуси авлодларнинг барқарор ва ишончли ривожланишига замин яратадиган спорт тадбирларида иштирок этишнинг ўсишини таъминлайди.

Барқарор ривожланишни таъминлаш келгуси авлодлар фаровонлигини ошириш, шунингдек, яшаш муҳити ва сайёрамиздаги ҳолатни яхшилаш мақсадида масъулиятни зиммага олишни англатади. Барқарор тараққиёт учун шароит яратиш болалар боғчасидан тортиб, университет ва ундан кейинги босқичда ҳам давом этадиган таълим жараёнининг муҳим омили бўлиши керак. Бу жараён учта асосий омилни ўз ичига олади: барқарорлик масалаларини яратиш ва тушунтириш; ҳаётимизнинг барча қирраларини барқарорлик нуқтаи назаридан ўрганиш ва, ниҳоят, барқарорликни янада ривожлантиришни таъминлайдиган янги усул ва технологияларни фаол тадқиқ қилиш.

Юқорида билдирилган мулоҳазалар асосида шундай хулоса қилиш мумкинки, олий таълим муассасалари асосан бошланғич ва умумтаълим даражасидаги ўқитувчиларни тайёрлаш, шунингдек, мактабгача бўлган ёшдаги болалардан тортиб катта ёшдаги аҳолигача – барча манфаатдор томонларга барқарорлик ғоясини тушунтириш билан боғлиқ янги усул ва ёндашувларни ишлаб чиқиш учун ҳам масъулдир. Таъкидлаш жоизки, ушбу йўналишда сезиларли самарага эришилгани ва тегишли чоратадбирлар кўрилгани билан ҳали кўп ишлар амалга оширилиши кераклиги барчага маълум.

Ўз тажрибамдан шуни биламанки, Тошкент халқаро Вестминстер университети битирувчилари ва уларнинг оилалари мамлакатингиз эришган ютуқлар билан фахрланади.

Эътиборингиз ~~учун~~ вахмат!

Виктор Садовничий,
*Ломоносов номидаги Москва давлат
университети ректори*

ТАЪЛИМ ВА ФУНДАМЕНТАЛ ФАНЛАР ТИЗИМИДАГИ УНИВЕРСИТЕТЛАР

Мухтарам дўстлар!

Ўзбек халқи бой маданий анъаналарга эга. Бу заминда асрлар давомида интеллектуал-маърифий ҳаёт доимо жўшқин тарзда кечган ва Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек каби ўз даврининг буюк мутафаккир алломалари ижод қилганлар.

Замонавий ўзбек тилининг тамал тошини белгилаб берган оғзаки ва ёзма адабиёт ёдгорликларининг энг буюк намуналаридан бири ҳам «Кутадғу билиг» дея номлангани ва унда қуйидаги сатрлар келтирилгани бежиз эмас, албатта:

*Билиг бирла бошлар киши боши,
Уқуш бирла уқса, ўнгарур иши.*

Бу халқнинг қадимий анъаналар асосида билим-маърифатга нақадар улкан эътибор бергани ҳақида «Устоз отангдек улуғ» деган ўзбек мақоли яққол далолат беради. Агар Шарқда нуроний кексаларга, ота-онага эҳтиром ғоят юксак эканини эътиборга оладиган бўлсак, бу ҳикматли сўзларнинг аҳамияти янада кўпроқ аён бўлади.

Рус маданияти билан энг аввало, таълим соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик кўп асрлик маҳаллий турмуш тарзи ва қарашларнинг янги давр идеалларига уйғунлашувига сезиларли даражада ҳисса қўшди.

Айниқса, ҳозирги кунда Ўзбекистонда таълим-тарбия ва илм-фан масалаларига устувор аҳамият берилмоқда. Мамлакат Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон МДХ давлатлари ичида биринчи бўлиб таълим ва интеллектуал соҳадаги салоҳиятни ривожлантиришдаги давлат сиёсатининг ҳал қилувчи бўғини бўлган кенг қамровли Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини қонун даражасида қабул қилди ва уни муваффақиятли амалга оширмоқда.

Мен сизнинг мамлакатингиздаги мактабларда бир неча бор бўлганман. Ҳар сафар болаларнинг ёниб турган кўзларини кўрганман – бу Ўзбекистон раҳбариятининг таълим соҳасидаги сиёсатининг энг яхши натижасидир.

Муҳтарам ҳамкасблар!

Конференция мавзуси менга шунчаки яқин бўлибгина қолмасдан, таълим-тарбия ва илм-фан соҳасида меҳнат қилишни ер юзидаги энг муносиб машғулотлардан бири деб билган ҳолда, мен бутун ҳаётимни шу ишга бағишладим. Шу боис мен бундай юксак нуфузли анжуман иштирокчилари билан ўз фикрларимни ўртоқлашиш имкониятига эга бўлганимдан хурсандман.

Жамиятни барқарор ривожлантириш ва модернизация қилишни таъминлашда фундаментал фанлар ва таълим-тарбия, демак, мазкур бебаҳо захираларнинг энг муҳим ҳаракатлантирувчи кучи бўлган классик университетлар алоҳида, эҳтимолки, биринчи даражали аҳамият касб этади.

Университетлар дунёга Коперник, Галилей, Кеплер, Ньютон каби кўпгина буюк олимларни етиштириб берган, илмий заковатга асосланган фундаментал таълим тизимига асос солган, профессор ва талабалар жамоасининг ўзига хос касбий-ахлоқий кодексини шакллантирган.

Университетлар аллақачон жамиятнинг ажралмас қисмига айланиб кетган, шу билан бирга, улар зиёли кишиларнинг ва янги гояларнинг битмас-туганмас манбаи ҳисобланган мутахассисларни тайёрлашнинг асосий ўчоги сифатида замон талабларига жавоб бериб келмоқда.

Биз сизлар билан деярли ҳар куни такомиллашиб бораётган, янгиликлари билан ўзини намоён этаётган мисли кўрилмаган илмий-технологик мусобақанинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Мураккаб ускуналар ёрдамида олимлар коинотнинг «қора туйнук»ларини, ҳужайранинг тузилишини ўрганмоқда, кенг миқёсли тажрибалар ўтказмоқда ва кашфиётлар қилмоқда.

Бу жараёнда фаннинг ўз умрини ўтаб бўлиши ҳақида гап борар экан – Америка журналисти Жон Хорган ўз китобини айнан шундай деб номлаган – айрим инсонлар буни жиддий қабул қилишидан фақат афсусланиш мумкин.

Хорган ўз китобида фаннинг ўз умрини ўтаб бўлиши тўғрисида бир қанча машҳур олимлар билан суҳбатлашади. Уларнинг орасида номутаносиб статистик физика соҳасида тан олинган, Нобель мукофоти лауреати Илья Романович Пригожин ҳам бор. Унинг бутун умри давомида шуғулланган асосий илмий муаммоси бу – вақт ва унинг ортга қайтмаслиги масаласидир. Вақт ўқи орқага қайтмайди, Пригожиннинг илмий асарларидан чиқариладиган хулоса ҳам шуки, дунёни англаш ҳам чексиздир.

Мен узоқ йиллар давомида ҳамкорлик қилиш бахтига муяссар бўлган Пригожиннинг тадқиқотлари турли табиий ва ижтимоий тизимларда, шунингдек, таълим тизимида ҳам ўз-ўзини ташкил қилиш механизмларини тушунтириб бериши билан биз учун айниқса муҳим аҳамиятга эгадир.

Яқинда Москва университетидан инсонни ўрганиш мақсадида Инсон институти ташкил этилди. Унда «инсон» деб аталадиган шундай мураккаб тизим бўйича тиббий, биологик, кимёвий, математик, психологик, антропологик йўналишларда фанлараро тадқиқотлар олиб борилмоқда...

Менинг фикримча, инсонни бутунлай турлича бўлган табиий-илмий ва гуманитар фанлар нуқтаи назаридан ўрганиш келгусида таълим мазмунида марказий ўринни эгаллаши лозим.

Муҳтарам ҳамкасблар!

Фундаментал фанларни ривожлантиришнинг ҳал қилувчи жиҳатлари англашнинг муайян чегараларидаги тақиқларни йўқотиш, қотиб қолган акидалардан, шу билан бирга, адашишлардан воз кечиш билан амалда доимо боглик бўлиб келган.

Масалан, Эвклид геометрияси пайдо бўлган дақиқадан бошлаб, бир нуқтадан битта тўғри чизикқа параллел бошқа чизик ўтказишга тақиқ мавжуд эди. Лобачевский эса бу тақиққа барҳам бериб, нозевклид геометриясини, у билан бирга янги дунёқарашни ҳам яратди.

Инсон ерни тарк эта олмайди, деб ҳисобланган. Бироқ у ернинг тортиш кучини енгиб, коинотга чиқди. Замонавий физикада нур тезлигидан ошадиган тезлик инкор қилинган, лекин яқинда халқаро тажрибаларнинг бирида баъзи заррачалар, яъни нейтрино нур тезлигидан ҳам жадал ҳаракат қилиши аниқланди! Эҳтимол, бу таж-

рибанинг камчилиги бордир. Шунинг учун ушбу натижа бўйича глобал тадқиқотлар бошланиб, бу борада бир қанча тажрибалар ўтказилмоқда. Агар натижа тасдиқланса, балки замонавий физиканинг барча парадигмаларини, шунингдек, бутун замонавий фанни қайта кўриб чиқиш тақозо этилар.

Бу ва бошқа мисоллар фан ўрнатилган чегара ва тақиқларни тан олмаслигидан далолат беради. Фан ривожланаверади.

Табиатдаги майда заррачаларнинг ўзаро таъсир қилиш хусусияти ҳақидаги тасаввурларимизни қайта кўриб чиқишимизга олиб келадиган яна бир қизиқарли далил. Кўплаб мамлакатларнинг олимлари ЦЕРН (Швейцария)даги Катта адрон коллайдерда ўтказилаётган тажрибаларда иштирок этмоқда. Ўтган йил охирида ЦЕРНда Хиггс бозони деб аталадиган заррачани топиш натижаларига бағишланган иккита йирик халқаро коллоборация яқунларининг ҳамкорликдаги тақдимоти бўлиб ўтди. Бу зарра майда заррачаларнинг ўзаро таъсири ҳақидаги замонавий назария учун ҳал қилувчи ҳисобланади. Унинг кашф этилиши табиат ҳақидаги билимимизни янада ўзгартириб юборади.

Вазиятнинг мураккаблиги шундаки, Хиггс бозони тажрибада ҳалигача кузатилмаган эди. Сўнгги тажрибалар хулосасига кўра, Хиггс бозонининг мавжудлиги эҳтимолдан холи эмас. Тажрибани давом эттириш лозим. Фақатгина кейинги таҳлил ва янги маълумотлар Хиггс бозонининг мавжудлигини тасдиқлаш ёки инкор этиш имконини беради. Физикларнинг ишонч билдиришларича, 2012 йилда бу масала узил-кесил ҳал бўлади.

Ижтимоий фанларда ҳам муҳим сифат ўзгаришлари юз бермоқда. Янги ижтимоий мавжудликлар янги методологик ёндашувларни тақозо этади.

Миқдорий, экономоцентриқ ёндашувларга зид равишда макроиктисодий, ўртача статистик кўрсаткичлар таҳлилини асос қилиб олган замонавий тадқиқотлар «ҳаёт сифати» деб аталадиган тушунчанинг моҳиятини очиб берадиган концептуал ёндашувларга асослашни талаб қилади. Бугунги кунда ўз ҳаётини муваффақиятли деб ҳисоблайдиган инсонлар миқдорининг ошишини таъминлайдиган

ижтимоий-иқтисодий стратегия самаралидир. Ҳозирги вақтда яхши тайёргарликка эга бўлган раҳбар ва бошқарувчилар муайян жараёни ўз жамоасида таҳлил қилишда ўрта статистик ҳисоб-китобларни эмас, балки «ўртача» тушунчасини қўллаши тасодиф эмас.

Жамият тараққиётининг замонавий босқичида инсон томонидан яратилаётган ижтимоий мавжудлик сайёрамиз экотизими динамикасининг асосий омилига айланди. Экотизим қисми саналган инсон томонидан яратиладиган ижтимоий мавжудлик ҳақидаги янги тасаввур унинг назоратсиз тараққиёти замонавий тамаддун учун ҳалокатли эканини кўрсатди. Бундай шароитда бошқарув қарорларини қабул қилишдаги иррационализм ва волюнтаризм нафақат глобал ижтимоий кўнгилсизликлар, балки кутилмаган экологик оқибатларга дучор қилиши мумкин.

Муҳтарам ҳамкасблар!

Бутун дунёдаги таълим тизимлари ҳозирги вақтда муҳим ўзгаришларни бошдан кечирмоқда. Таълим беришнинг илмий тадқиқотлар билан чамбарчас боғлиқлигига асосланган классик университетнинг анъанавий Гумбольдтча модели қайта кўриб чиқилмоқда. Таълим соҳаси, сўнгги халқаро таснифга кўра, хизматлар сирасига киритилган. Билим эса пулга сотиб олинадиган товар сифатида баҳоланади. «Болонья» таълим мuddати қисқариб, шунга мос равишда таълим сифати пасайиб кетмоқда.

Мен университет таълимини бозор тамойиллари асосида ташкил қилиш мумкин эмаслиги ҳақида бир неча марта гапирганман. Билим олиш учун таълимга пул тўлашнинг ўзи кифоя қилмайди. Билим, ўқиган одамнинг ақлий меҳнати, жиддий мустақил иши натижасидагина ҳақиқий мулкка айланади. Таълим ислоҳотини ўтказиш ҳамма вақт чуқур фундаментал тайёргарликнинг йўқотилиши, доимий илмий-технологик ўсишни таъминлашга қодир мутахассисларни стратегик жиҳатдан тайёрлашга бериладиган эътибор меҳнат бозори талабининг бир лаҳзалик аниқ эҳтиёжини қондириш билан қоришиб кетиши хавфини туғдиради.

Фундаментал фанларни ривожлантириш натижаларини ҳамма вақт ҳам олдиндан билиб бўлмайди, аммо нафақат меҳнат бозорига, балки дунё саҳнидаги мамлакатлар ўрнига ҳам таъсир қиладиган амалий ишланмалар, юқори технологиялар айнан шунга асосланади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида таълимнинг фундаментал аҳамиятининг долзарблиги янада ошади: у ёш мутахассисларга ушбу мураккаб иқтисодий вазиятда тез ва муваффақиятли мўлжал олиш, бутун иқтисодиётга эса инкироз билан бирга келадиган технологик ўзгаришлар вақтида зарур бўладиган малакали кадрларни тайёрлаш имконини беради.

Ўқитишнинг илмий мустаҳкамлиги ва тизимлилиги бизнинг мамлакатимизда ҳамиша таълимнинг кучли жиҳати ҳисобланган ва биз бунини сақлаб қолишга интиламиз. Масалан, Москва университетида биз барча талабалар учун 6 йиллик таълимни жорий қилдик.

Муҳтарам ҳамкасблар!

Москва университети Ўзбекистон билан узоқ вақтлардан бери дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларига эга. Биз Ўзбекистон Миллий университети, Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳамда бошқа таълим ва илмий муассасалар билан фаол ва самарали ҳамкорлик қиламиз.

Москва университетининг Ўзбекистон Республикаси билан илм-фан ва таълим соҳасидаги алоқаларини ривожлантиришда истикболли ёш кадрлар малакасини оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти «Истеъдод» жамғармаси билан ҳамкорлик катта роль ўйнайди. Ҳар йили жамғарма билан шартномалар доирасида Москва университетида Ўзбекистоннинг энг иқтидорли ёш педагоглари ўз малакаларини оширади.

2006 йилдан бошлаб Москва университети ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар янги босқичга кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Москва университетининг Фахрий профессори Ислон Абдуғаниевич Каримов ташаббуси билан ва унинг бевосита раҳбарлиги ҳамда жиддий назорати остида Тошкентда МДУнинг филиали ташкил этилди. Ушбу филиал – бир-биридан узоқ масофада жойлашган, бироқ руҳан ўзаро яқин икки мамлакатнинг ҳамкорлиги натижаси бўлиб, келгусида зиёлилар авлодини тарбиялаш мақсадида ташкил этилди.

Ҳозирги кунда филиалда 400 га яқин энг иқтидорли ёш йигит-қизлар таълим олмоқда, улар – мамлакатнинг келажакдир. Филиални

ривожлантиришнинг катта имкониятлари мавжуд ва биз республика раҳбариятининг кўмагига келгусида ҳам умид қиламиз.

Ўзбекистон жаҳонда изчил ривожланиб бораётган, бой маданият ва нуфузли обрў-эътиборга эга бўлган мамлакатдир. Москва университетида Ўзбекистон бўйича мамлакатшунос мутахассислар тайёрлаш амалга оширилмоқда. Бизнинг талаба ва аспирантларимиз ўзбек тилини, Ўзбекистон Республикаси тарихини, ўзбек халқининг моддий ва маънавий маданиятини ўрганмоқда, Ўзбекистонда малака оширмоқда.

Муҳтарам ҳамкасблар!

Ўйлайманки, агар сўнгги йилларда дунёда кўплаб кескинлик ва хавф-хатар ўчоқлари ортиб боряпти, десам, хато қилмаган бўламан: мен ҳарбий ҳаракатлар, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва кўплаб ижтимоий муаммоларни назарда тутяпман. Шу билан бирга, ҳақиқатан ҳам глобал ва ҳеч муболағасиз, ҳаётий муҳим муаммолар аста-секин биринчи ўринга чиқмоқдаки, уларни ҳал қилиш учун бутун жаҳон ҳамжамиятининг кучлари бирлашиши зарур. Булар – ҳам глобал иқлим ўзгаришлари, ҳам захираларнинг нотекис тақсимланиши билан боғлиқ. Келгусида углеводород захиралари учун кураш ўрнини чучук сувлар учун кураш эгаллаши мумкин. Эпидемияларнинг авж олишидан келиб чиқадиган турли хил янги вирусларнинг тарқалиши ҳам жиддий хавф-хатарга айланмоқда.

Мазкур глобал таҳдидларга фақат илм-фан ёрдамида жавоб қайтариш мумкин. Бугунги кунда олимлар олдида муҳимлиги ва масъулияти аввалгиларидан кам бўлмаган вазифалар турибди.

Муҳтарам ҳамкасблар!

Сўзимнинг якунида кизик бир далилни келтиришга ижозат берсангиз.

Маълумки, 2011 йили физиология ва тиббиёт соҳасида Нобель мукофоти иммунология йўналишидаги кашфиётлари учун Жюль Хоффманн (Франция), Брюс Бойтлерг (АҚШ) ва Ральф Стейманга (АҚШ) берилди.

Иммунитет нима? Бу – бегона ҳужайра ва организмларнинг танага киришидан ҳимояланиш тизими. Бир асрдан кўпроқ вақт муқаддам бу тизимни икки нафар Нобель мукофоти соҳиблари Роберт Кох ва россиялик олим Илья Ильич Мечников кашф этган эди. Улар ушбу муаммо-

ни турли йўллар билан, бир-бирининг натижаларини қатъий рад қилган ҳолда ҳал этган, бироқ ҳар иккиси ҳам ҳақ бўлиб чиққан.

1996–1998 йилларда лауреатлардан икки нафари – Хоффманн ва Бойтлер, шунингдек, Тошкент университети ва Москва аспирантураси битирувчиси Руслан Межитов Жейнуэя лабораториясида айрим патогенлардан тугма иммун ҳимояланадиган муайян кўринишдаги рецепторларнинг ролини аниқлашди. Учинчи лауреат, тугма ва мослашган иммунитет тармоқларини боғлайдиган дендрит хужайраларни яратган Стейнмандир.

Албатта, Руслан Межитовнинг ҳиссаси Нобель мукофоти билан тақдирланган унинг ҳамкасблари каби муносиб баҳоланмагани адолатдан эмас. Межитов эришган ютуқлар барчага маълум ва тан олинган бўлиб, у Хоффманн ва Бойтлерларнинг Нобель мукофоти билан тақдирланиши арафасида Гонконгда «Осиё Нобель мукофоти» деб аталадиган Шоу мукофоти (Shaw prize) билан тақдирланди.

Бизнинг мамлакатларимиз фуқароларининг илм-фан ва таълим-тарбия соҳасидан бошқа соҳаларда ҳам фаол ҳамкорлик қилишлари жуда муҳим. Бундай ҳамкорлик, ҳеч шубҳасиз, барчамизга наф келтиради.

Бугунги конференция турли мамлакатлар вакиллари учун уларни ташвишлантираётган масалаларни муҳокама қилиш борасида ажойиб имконият беради.

Конференция ташкилотчиларига яна бир бор миннатдорлик билдириб, унинг барча иштирокчиларига фаолиятлари қизиқарли ва самарали бўлишини тилайман.

Доктор Аҳмад Муҳаммад Али,
Ислом тараққиёт банки президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримов!

Ҳурматли меҳмонлар, хонимлар ва жаноблар!

Авваламбор, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовга ва Ўзбекистон халқига барчамизга кўрсатилган меҳмондўстлик ва ушбу муҳим конференциянинг ташкил этилиши учун Ислом тараққиёт банки жамоаси номидан миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Ушбу конференцияни муваффақиятли ва юқори савияда ўтказиш чораларини кўргани учун ушбу тадбир ташкилотчиларига ташаккуримни билдираман. Шунингдек, иштироки ва қўллаб-қувватлагани учун барча ҳурматли меҳмонларга ташаккур айтаман.

Муҳтарам жаноб Президент, опа-сингиллар ва ака-укалар!

Ўзбекистон ҳукуматининг ушбу конференцияни ташкил қилишдек оқилона қарори тасодиф эмас. Бу анжуман Тошкент, Самарқанд ва Бухоро каби тарихий шаҳарларнинг ислом маданияти ва инсоният тараққиёти, илмий салоҳиятига қўшган беқиёс ҳиссасининг узвий давомидир. Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Али ибн Сино, Беруний каби алломалар тарихда юксак мақомга эга бўлган буюк мутафаккирлар сифатида танилганлар. Ислом конференцияси ташкилотининг таълим, фан ва маданият бўйича муассасаси – АЙСЕСКО томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йил Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинишида ушбу алломаларнинг ўрни ва улар қолдирган бебаҳо илмий ва маданий мероси жуда муҳим роль ўйнади.

Имом Бухорий Ватанига ташриф буюриш мен учун катта шараф. Имом Бухорийнинг дунё илми ва тараққиётига қўшган ҳиссаси бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Шунингдек, ҳадис илмининг султони ҳисобланмиш термизлик аллома, буюк мужтаҳид ва ислом илми намояндаларининг устози Имом Абу Исо Муҳаммад Термизийга бўлган ҳайратимиз беқиёсдир.

Шуни алоҳида мамнуният ила таъкидламоқчиманки, Ўзбекистонда бошланғич ва ўрта таълим олиш имконияти минтақадаги ўртача даражадан зиёд бўлиб, дунёда юқори даражага етган. Ушбу халқаро конференциянинг ташкил қилиниши ҳам таълим олиш мамлакат тараққиёти дастурининг муҳим кўрсаткичи эканидан далолатдир. Бу ҳақиқатан ҳам мазкур мамлакатда муҳтарам Президент Ислом Каримов ва давлатнинг ёшлар келажагига қаратаётган катта эътиборининг ёрқин намунасидир. Менинг фикримча, ўсиб келаётган авлод тараққиётида маданиятлараро ва давлатлараро ҳамкорлик маданиятини сингдириш муҳим омил ҳисобланади. Умид қиламанки, конференция иши давомида Ўзбекистонда таълим муассасалари ўртасида билим тарқатишни кучайтириш имкониятлари борасидаги фикрларни янада кенг муҳокама қилиш имкониятига эга бўламиз. Ўзбекистон тарихида ўчмас из қолдирган олимлар каби билим соҳаси билан биргаликда таълим олувчилар ва билимли жамият учун экотизим яратиш ҳамда таълим-тарбия қадриятлари ва унинг барқарор ривожланиши ҳақида тўхталмоқчиман.

Жаҳон иқтисодий таълимга эндигина аҳамият бериб, уни янги валюта сифатида олға сурмоқда. Бироқ ҳозирги кундаги янгилик – таълимни иқтисодий қўшилган қиймат сифатида татбиқ қилиш тезлиги ва уни жаҳон миқёсида қиёслашдир. Бу эса иқтисодий фаолиятлар ва таълим олишга асосланган жамиятнинг кейинги авлодини яратишда институционал инфратузилманинг янги шаклини ишлаб чиқишни талаб этади. Шу боис биз университет ва мактаблар каби институционал таълим масканларига ҳам ташриф буюришимиз лозим; инновацион ўқув режалари ва фасилитаторларни татбиқ этиш орқали ўрганувчи жамият учун тушунча ва етказиб бериш усуллари кўриб чиқишимиз, жараён ва бошқарувга, технологияда инновацияларга имкон яратиш керак.

Ўзбекистон алломаларидан ўрганганимиздек, билим нафақат иқтисодий ривожланиш, балки инсоният тараққиётини яратишда стратегик манба ҳисобланади. Бундай қимматли ривожланиш эҳтиёжларини кондиришнинг бугунги кундаги яққол мисоли Интернетдир. Айниқса, дунё халқлари маданияти ва қадриятларини қамраб олган ижтимоий тармоқларнинг пайдо бўлиши алоҳида аҳамиятга эга. Қисқача айтганда, биз ҳозир яшаётган, билимга асосланган жамиятларда инсоният

тараққиётида асосий стратегия бўлмиш ўзгача модель яратишимиз зарур. Биз иқтисодиётга таълим индустрияси тизимини татбиқ этишимиз керак эмас, аксинча, билим ва инновацияларга асосланган таълим тизимини татбиқ этишимиз зарур.

Ўзбекистонда ривожланишнинг стратегик асоси ҳисобланган ёш авлоднинг сони ўсиб бориши ҳисобга олинса, инновацион технологияга, билим-маърифатга, инновациялар негизига қурилган иқтисодиётга асосланган ўзига хос таълим тизимини яратиш имкониятига эга экани янада яққол аён бўлади. ИТБ Жаҳон Банкнинг Халқаро молия корпорацияси ва араб мамлакатлари билан ҳамкорликда иш билан таъминлаш дастурини ниҳоясига етказди. Бундай ташаббуслар бошқа мамлакатларнинг иқтисодий ўзгаришларни амалга оширишида катта кўмак бўлиши мумкин. Таълим ривожда хусусий сектор ролининг ошиб бораётгани ҳам эътиборлидир. Шунингдек, давлат секторининг тараққиётни ҳаракатга келтирувчи восита сифатидаги ўзгариб бораётган роли ҳам муҳимдир. Айниқса, бу ишга ёлланган кишинингина эмас, балки иш берувчининг ҳам тафаккуридаги ўзгаришга тааллуқли бўлса.

Таълим – ИТБнинг олий, устувор йўналишидир. Ислом тараққиёт банки таълим муассасаларини, ИТБга аъзо давлатлар ёки иштирокчи мамлакатларда инсонни ҳар томонлама ривожлантириш каби долзарб миссияда муҳим пойдевор сифатида тан олинади. Шу сабабли ИТБ ўз аъзо мамлакатларининг таълим тизимини ривожлантиришга 2,5 миллиард АҚШ доллари қийматида инвестиция киритди. Мазкур инвестиция олий таълимни такомиллаштиришда, айниқса, илмий фаолиятда математик таълим технологиялари, касб-ҳунар таълими каби муҳим йўналишларга йўналтирилган.

ИТБ ушбу инвестицияларнинг эътироф этилиши ва рағбатлантирилиши таълимни инновациялар асосида такомиллаштириш муҳитини яратишда муҳим омил бўлиб хизмат қилишига ишонади. ИТБ сўнгги 10 йилда фан ва технологиядаги энг яхши ишлар учун мукофот бериб келмоқда. Бундан ташқари, ИТБ университет битирувчилари ва аспирантлар учун малака ошириш мақсадида нуфузли таълим институтлари тажрибаларидан баҳраманд бўлишга қаратилган иккита грант дастурига раҳбарлик қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси 2003 йилда ИТБга аъзо бўлганидан буён ИТБ гуруҳи таълим тизими, соғлиқни сақлаш, инфратузилма, қишлоқ хўжалиги ва хусусий секторни ривожлантиришга қаратилган 39 та лойиҳани ўз ичига олган 665 миллион АҚШ доллари қиймати миқдорда молиялаштириш ишлари ҳажмини оширди. Ҳозирги кунда ИТБ таълим тизимида иш билан таъминлаш имкониятларини ўз ичига олган ва бу жараёни қўллаб-қувватлайдиган ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Бундан ташқари, ИТБ Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш учун мўлжалланган махсус грант дастурларини ишлаб чиқишга ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Ўзбекистонлик бир қатор талабалар ИТБнинг турли йўналишлардаги грантларини қўлга киритган. Булар технология, тиббиёт, кимё, Европа ва Американинг нуфузли университет ва коллежларида таълим олиш ва нанотехнология соҳаларидир.

ИТБ «Буюк келажакни бирга қурамиз» шиорини бежиз танламаган ва ундаги «бирга» сўзига эътиборингизни қаратмоқчиман. ИТБ ҳамкорликни ҳақиқатан ҳам қўллаб-қувватлайди. Ташкилот ривожланишнинг барча жабҳаларида турли агентлик ва ташкилотлар билан ҳамкорликни ўрнатиш бўйича фаолият қўламини кенгайтиришга интилади.

ИТБ таълим тизимининг турли соҳаларига, илмий тадқиқот ишларига юқори технологияларни татбиқ этишни ривожлантиришда БМТнинг барча тузилмалари билан ҳамкорлик қилади.

Халқаро ташкилотлар, кўп томонлама ривожланиш агентликлари, жамоат ва хусусий муассасалар, нодавлат ташкилотлар билан зарур даражадаги таълимни, ўқитишни, юқори технологик тадқиқотларни таъминлаш учун таълимнинг турли соҳаларида ҳамкорлик қилишни рағбатлантиради.

ИТБ 1976 йилда ўзаро тушуниш меморандумини имзолаб, ЮНЕСКО билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Ўтган давр мобайнида аъзо мамлакатлар билан таълим тизимини ривожлантириш, илмий тадқиқот ва технологиялар соҳасида қатор амалий келишувлар имзоланди. ИТБ ISESCO, ALESCO, шунингдек, таълим тизими ва технологиялар соҳасида ҳамкорликни ривожлантирувчи илмий қўмита билан мустаҳкам алоқалар ўрнатган.

Шундай қилиб, ИТБ Ўзбекистон ёшларининг келажаги учун конференцияда қатнашаётган барча таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканини билдиради.

ИТБ Ўзбекистон Республикасининг таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган ислохотлар доирасида 2010 йилдан бошлаб «Таълим барча учун» ва Мингйиллик ривожланиш мақсадлари йўналишида ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Айни вақтда ИТБ малакали ишчи кучини тарбиялашга қаратилган ва 2009 йилдан бери қўлланаётган 10–12 синфларда касбий таълим тизимига универсал ёндашув стратегиясига хайрихоҳ эканини билдиради ва уни қўллаб-қувватлайди.

Президент Жаноби Олийлари, ака-укалар ва опа-сингиллар!

Мен ўз нутқимни Ўзбекистон халқи келажакда янада раванқ топиши учун хизмат қилаётган миллий таълим тизими талабларига бағишланган конференция муваффақиятли натижаларга эришишини чин қалбимдан истаб қолишимни билдириш билан тугатмоқчиман.

Нанси Хеллеруд,
Вебстер университети проректори

Мухтарам конференция ташкилотчилари ва иштирокчилари!

Ўзбекистонда шаклланган таълим моделига бағишланган ушбу муҳим халқаро конференцияда иштирок этишга таклиф этганингиз учун Вебстер университети, президентимиз доктор Элизабет Стробил ва проректоримиз доктор Юлиана Шустер номидан миннатдорлик билдирмоқчиман.

АҚШнинг Миссури штати Сент-Луисда ўзининг инфратузилмасига эга бўлган Вебстер университети талабаларга келажакда етук мутахассис бўлишни таъминлайдиган юқори сифатли таълим беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Биз АҚШда 80 ўринга эгамиз, шунингдек, Таиланд, Хитой, Лондон, Женева, Лейден ва Венада халқаро бўлим ва филиалларимиз мавжуд, бундан ташқари, биз ўзимизнинг дастурларимизни жаҳоннинг кўпгина давлатларига таклиф қиламиз, бу бизни 12 йил аввал Вебстер World Classroom (умумжаҳон синфи) деб номланадиган масофавий таълим бўйича ўқув дастурини яратишга ундади.

Ташрифим натижасида сизлардан ўрганадиган ва он-лайн таълими борасида ҳамкасбларимиз билан ўртоқлашадиган фикрларимиз мавжуд, деган хулосага келдим. Бу талаба ва профессор-ўқитувчилар алмашинувини ҳамда ҳамкорликда илмий-тадқиқот ва сайёҳлик дастурларини амалга оширишни таъминлайдиган усуллардан бири бўлиб, таълим дунёсини ўзгартиришга имкон яратади.

Вебстер университети 1915 йилда ташкил этилган. Бу борадаги дастлабки ишлар «янги эҳтиёжларни қондириш» гоёсидан бошланган. Шу муносабат билан биз анъанавий йўл билан таълим ололмайдиганлар учун махсус таълим дастурларини яратишга интиламиз. Бугунги кунда замонавий технологиялар ёрдамида, қаерда бўлишидан қатъи назар, ҳар қайси инсонга юқори малакали ўқитувчилар яратган кучли ўқув дастурлари асосидаги муносиб таълим олиш имконини яратмоқдамиз.

Биз Ўзбекистондаги ҳамкасбларимизни, уларнинг таълим соҳасидаги ноёб тажрибаларини биз билан фикрлашганликларини қадрлаймиз. Машғулотларда қатнашиш қизиқарли бўлди, энг асосийси

– талабаларнинг ўқитувчилар билан мулоқотини кузатиш эди. Талабалар тўлиқ ўқиш билан банд ва инглиз тилини яхши эгаллашган. Улар Ўзбекистон келажagini куришга қатъий тайёрдир.

Ҳамкасбларимиз мазкур конференцияни ташкил этиш орқали биз билан шунчаки тажриба алмашишдан кўра кўпроқ нарсага эришдилар. Сизлар дунёнинг турли мамлакатларидан келган инсонлар учун форум уюштириш орқали ўзаро гоё ва тажриба алмашиш имкониятини яратдингиз. Бугунги кунда ёшлар билимини яхшилаш учун кўпгина инновацион имкониятларнинг мавжудлиги уларни жамият ривожига ўз ҳиссасини қўшиш ва муносиб фуқаро бўлишга ундайди. Шунингдек, талабаларимизнинг интеллектуал ривожланишига ёрдам берадиган йўللар ҳам мавжуд. Мисол учун, яқинда биз Вебстерда гроссмейстерлар тайёрлашга ёрдам берадиган шахмат тўғарагини ташкил қилдик. Мухими, шахмат дастурлари талабаларимизда аналитик фикрлаш кўникмаларини яхшилашга имкон яратади.

Биз университет ва мактабларга таширифимиз чоғида ўз тажрибаларимиз билан ўртоқлашишга улгурдик. Бу учрашувлар расмий сессияга қадар бўлиб ўтди. Мен бугун тушликдан сўнг бўлиб ўтадиган, янги гоё ҳамда мавзулар эълон қилинадиган ва муҳокама этиладиган йиғилишни интизорлик билан кутяпман. Умид қиламанки, мазкур конференциядан сўнг биз бутун дунё бўйлаб кейинги ҳамкорлик учун замин яратадиган янги билим ва тажрибалар, янги дўстлар орттираимиз.

Сизларга яна бир қарра мамлакатингиз ва таълим тизимингиз билан танишишга берилган ажойиб имконият учун ўз миннатдорлигимни билдираман. Мен унутилмас таассурот ва орттирган тажрибамни ўртоқлашиш учун университетимга қайтиб бориш дақиқаларини интизорлик билан кутиб қоламан.

Сиз билан Сент-Луисда учрашгунча хайр!
Барчангизга миннатдорлик билдираман!

Доктор Эрик Куан,
Сингапур менежментни ривожлантириш
институти президенти

ГЛОБАЛЛАШУВНИНГ БИЗНЕС ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИРИ ВА УНИНГ ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ОҚИБАТЛАРИ

«Глобаллашув» тушунчаси инсоният ижтимоий тузилмаси доирасида фундаментал ўзгариш ва янгиланишларни камраб оладиган тарихий жараён ҳисобланади. Глобаллашув энг олис минтақалар ўртасидаги боғловчи бўғин сифатида уларнинг давлатлар ва минтақалар билан муносабатларини кенгайтириш имконини беради. Тарихий жиҳатдан глобаллашувнинг уч босқичини ажратиб кўрсатиш мумкин: биринчи босқич 1450–1850 йиллар оралиғига (Европанинг кенгайиши ва турли худудларнинг босиб олиниши) тўғри келади; иккинчи босқич 1850–1945 йиллар (Европа империясининг кенгайиши, мустақамланиши); учинчи босқич 1960 йилдан кейинги йилларга тўғри келади (иқтисодий кудратнинг Ғарбдан Шарққа ўтиши, яъни Хитой ва Ҳиндистон иқтисодиётининг юксалиши билан боғлиқ). Бугунги кундаги глобаллашув жараёнини Ғарб глобал компаниялари ҳисобланган Coca Cola, Pepsi Cola мисолида кузатиш мумкин ва улар Ҳиндистон ҳамда Хитойда ўз ишлаб чиқаришига эга.

«Глобаллашув» атамасига турлича таъриф ёки тушунтиришлар бериш мумкин. Лекин бу таъриф ёки изоҳларнинг аксарияти унинг таъсири ва оқибатларига қараб маъно англатади. Айрим таърифларга кўра: глобаллашув – бу иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларнинг халқаро чегаралар оша тарқалиши ва чуқурлашувидир. Бошқа таърифларда у трансмиллий, жаҳон иқтисодий, маданий алоқаларининг технологиялар ривожига таяниб, давлат чегараларидан ошиб ўтишининг ортиб боришидир.

Юқорида келтирилган икки таърифдан билишимиз мумкинки, глобаллашув иқтисодий, ижтимоий ва маданий муносабатларни халқаро ва трансмиллий чегаралар оша кучайтиради. Глобаллашув таъсирини жаҳон компанияларининг ўзлари жойлашган мамлакатда иш олиб бо-

ришидан сезиш мумкин. Шундай қилиб, Samsung, Toyota, McDonald's ва Starbucks каби компанияларнинг турли мамлакатларда фаолият олиб бориши глобаллашувнинг таъсири демакдир.

Илғор технологиялардан фойдаланиш глобаллашув жараёнига кўмаклашади, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришни, электрон, банк ишини, молия бозорларини, молия хизматлари, инфратузилма ва инновацион тизимни ривожлантиришни ўз ичига олади.

Бунга спортнинг глобаллашувини Си-эн-эн таклиф этган сунъий йўлдош, бизнес саёхатлар ва битимларни; пул ўтказишлар, бизнес жараёнларига кўмаклашувчи алоқа тармоқлари; тайёр маҳсулотни ташишни узлуксиз бошқариш ҳамда назорат қилишни таъминловчи, шунингдек, тайёр маҳсулотни ташиш ва юклаш учун етказиб бериш занжирини бошқариш учун оффшор ва оншор воситаларни ҳам киритиш мумкин.

Буюк Британия ҳукумати Хитой ва Япония мамлакатларидан молиявий хизмат, инфратузилма ва инновация соҳаларидаги инвестицияларни жалб қилмоқда. Воқеаларнинг бундай ривожланиши, иқтисодий, ҳарбий, ҳуқуқий, экологик, маданий ва ижтимоий секторлар каби барча соҳаларда сезиладиган глобаллашув натижасидир.

Шундай қилиб, глобаллашувдан иложи борича кўпроқ наф олиш учун мамлакатнинг таълим тизими ва ўқув дастурлари доираси, айти маҳалда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, шунингдек, технологияларни қўллашга кўмаклашиш мақсадида кенг қамровга эга бўлиши ва ихтисослашиши лозим.

Глобаллашув натижаларига унинг воситаларисиз эришиб бўлмайди. Глобаллашув бир-бири билан боғлиқ учта: техникавий (техник тараққиёт ва ижтимоий ташкилот), иқтисодий (бозор ва капитализм) ва сиёсий (ҳокимият, манфаатлар ва муассасалар) омилга асосланади.

Бу воситалар глобаллашув жараёнларининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб хизмат қилиши ва ресурслар ҳолатини қайта кўриб чиқиш ва тузатиш, глобал стратегияни рўёбга чиқаришни ва устувор йўналишларни ташкил этиш қобилиятини оширишда ёрдам бериши мумкин.

Глобаллашув натижаларига эришиш учун мактаблардаги ўқув дастурлари, ўқув муассасалари ва бизнес мактаблар сиёсати глобаллашув, глобал стратегия ва стратегик бошқариш масалалари бўйича тадқиқотларни ўз ичига олиши керак. Бу маҳаллий компанияларни рағбатлантирувчи давлат сиёсатини шакллантиришга, чет эл инвестицияларини тўғридан-тўғри жалб қилишга кўмаклашади.

Маҳаллий фирмалар амалиётининг глобаллашуви уларнинг кўи миллатли ёки трансмиллий ташкилотларга айланиш имкониятларини ошириши мумкин, деб ҳисоблайди. Чет элда бирор-бир фаолият олиб боришга қарор қилиш кўп ҳолларда нисбий устунликка, шунингдек, тежамкорликка, замонавий технологияларни, стратегик материалларни капитал бозорига олиб чиқиш имконияти ва энергетика (энергетик хавфсизликнинг бир қисми сифатида)ни қўлга киритишга асосланган бўлади. Бунга эса турли фирмалар фаолияти учун ўз ҳудудидан жой берган ва шароит яратган давлатдагина эришиш мумкин бўлади. Бунга мисол тариқасида Lepovонинг IBM, Tata Motors, Land Rover ва Jaguar, Geely Volvони харид қилганини, SAICнинг MGни харид қилганини, Austin Martin, Ssangyong Motor, ва Toyota Corpнинг Таиланд ва АҚШда ишлаб чиқариш ва йиғиш ускуналарини ўрнатганини, China Incнинг ноёб металллар қазиб оладиган Австралия шахталарининг асосий улушини қўлга киритганини келтириб ўтиш мумкин.

Глобаллашув бозор имкониятларини, қиёсий устунлик тамойилига асосланган ресурслардан фойдаланишни кўриб чиқишни талаб этади. Ушбу тамойилларга амал қилувчи фирмалар ўзларининг иккинчи даражали бизнес фаолиятларини арзон ҳақ тўланадиган мамлакатларга олиб киради, кўшимча юқори даромадга эга бўлган ҳолда, асосий бизнес фаолиятини ўз мамлакатада олиб бораверади. Бундан ташқари, мазкур тамойил ушбу фирмаларга технология ва брендинг каби аъло даражадаги хориж ресурсларини қўлга киритиш имкониятини ҳам яратади. Масалан, Japan Inc максимумлар валютаси сифатида йенани урушдан кейинги ҳолатига қайтариш учун чет эл компанияларини жадал суръатларда қўлга киритиб келмоқда.

Фирмаларнинг кўпчилиги ўз ўсишини таъминлаш учун мавжуд технологияларни экспорт қилиши ҳеч кимга сир эмас. Шу билан бирга

улар ўз технологияларини янги сотиб олинган компаниялар ҳисобидан такомиллаштириб, ривожлантириб боради. Бунга мисол тариқасида Geely Volvo заводларининг илгор технологиясини Хитойдаги Geely заводида ўтказганини келтиришимиз мумкин. Шундай қилиб, ўзини ўзи янгилаш жараёни амалга ошади, бу эса жиҳозларни такомиллаштириш, реструктуризация қилишга, тадқиқот ҳамда маҳсулотларни, жараёнларни, технологияларни ривожлантириш ва замонавий ускуналарни қўлга киритиш учун капитал оқимига янги замин яратади. Харид қилинган фирмалар янги билим ва технологияларни чет эл фирмаларидан сотиб олиш орқали ўз рақобатдошлигини оширади. Бу эса ўз давлати ҳамда хорижий давлат учун ишчи ўринларни яратади.

Ушбу режаларни амалга ошириш учун глобал ёндашув талаб қиладиган билимлар тизимига эга малакали ва юксак билимли кадрларни етиштириш лозим. Ушбу кадрлар маҳаллий ва хорижий фирмаларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўша олиш қобилиятига эга бўлиши талаб этилади.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, одатда, ўз минтақасида бирмунча устунликка эга бўлган маҳаллий фирмалар эҳтиёжига йўналтирилади, бу эса, ўз навбатида, маҳаллий компанияларда рақобат борасидаги устунликни амалга ошириш, эҳтимол, ушбу фирмаларнинг nisбий устунлигини пасайтириш учун имконият яратади.

Шундай қилиб глобаллашув шароитида хориж фирмалари ишлаб чиқариш чиқимини қисқартириш, унинг ҳажмидан тежаш, янги технологиялар ва муҳим ресурсларни қўлга киритиш йўлларини кидиради.

Компанияни жойлаштириш ва инвестиция киритиш учун бирор-бир мамлакатни танлаш борасида Портер ромби модели (Diamond Model) концепциясидан фойдаланиш мумкин. Ушбу концепция мамлакатни ривожлантиришнинг компания ёки тармоқнинг рақобатдошлигини оширишга хизмат қиладиган аниқ омилларни назарда тутди. Ушбу назариянинг аҳамияти кўпинча унчалик бўлмасда, баъзи бир тадқиқотларнинг самарадорлигини исботлаб берди.

Мамлакатнинг, бинобарин, унинг корхоналари ва саноат тармоқларининг рақобатдаги устунлигини ошириш учун давлат сиёсати Портер ромбининг ҳар тўрт таркибий қисмига мос ҳолда яратилиши лозим.

Омиллар давлат субсидияларига, шунингдек, капитал бозорига таълим ва ички талабга нисбатан сиёсатни ишлаб чиқишга таъсир кўрсатиши мумкин. Ҳукуматнинг қулай сиёсати ўзаро фойдали рақобатни қўллаб-қувватлайди ҳамда унга имконият яратади.

Бундай сиёсатнинг устун жиҳатларини рўёбга чиқариш учун мактаблар ва бизнес мактабларининг таълим дастурларида Портер моделининг турли омилларини бошқариш методларига урғу бериш талаб этилади. Жаҳон бизнес ва маданиятлараро бағрикенглик ва бошқариш тили бўлмиш инглиз тили турли хорижий маданиятларни, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни бошқарувчи хорижий персонални тушунишда кўмаклашади. Инглиз тилидан расмий бизнес тили сифатида фойдаланишни қўллаб-қувватлаш муҳим. Таълим дастурларида инглиз тили асосий фан сифатида киритилиши керак. Тилни самарали ўрганиш учун барча фанлар инглиз тилида ўқитилиши лозим. Бу турли фанларни ўқитишда кўп тиллиликнинг олдини олади. Турли маданиятларни англаш ва бағрикенглик таълим дастурларига киритилиши лозим.

Ўзбекистон ҳукумати бу ўзгаришларни олдиндан кўра билди ва давлат бу ўзгаришлар билан ҳамнафас бўлишга интилиб, глобал бизнес тилида малакали мутахассислар тайёрламоқда. Ўзбекистон ҳукуматининг бундай ҳаракатлари натижаси ўлароқ мамлакатда бутун дунёга машҳур бўлган Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Тошкент Вестминстер университети ва Тошкентдаги Турин политехника университети каби олий таълим муассасалари очилди.

Глобаллашув ўзининг бошқа давлатлар билан айирбошлашга мўлжалланган моддий ва номоддий мулкларни орқали юқори даражада рақобатдошлигини оширишга ҳаракат қилаётган (маҳаллий ёки хорижий) фирмаларда кўпроқ намоён бўлади. Бу мулклардан хорижда бошқа фирмалар фойдалана олмаслиги учун фирмалар ўзининг муайян устунлигидан манфаатли фойдаланган ҳолда, фаолиятини белгилаб олиш учун ташқи бозорни маъқул деб топди. Бундай фирмалар, шунингдек, ўз конкрет устунликларидан фойдаланиш учун интернационализациялашувни амалга оширишга интилади. Бу барча тадбирлар Dunningнинг ММОдан фойдаланиш ёрдамида, халқаро ишлаб чиқаришда эклектик

назария томонидан жойини ва интернационализациялашувни кўрсатган ҳолда таҳлил қилиниши мумкин.

ММО омилларига эришиш учун, таълим дастурлари халқаро технологияларни бошқариш соҳасида билим беришни ҳамда конкрет жараёнларни ҳам, илғор технологияларни ҳам, иш кучи лойиҳаларини ҳам бошқариш соҳасида билим бериши шарт. Давлатнинг инвестиция сиёсати жараёнлар ҳамда технологиялар ва улар билан боғлиқ жараёнларга кўпроқ аҳамият бериши лозимки, мулкнинг устунлигини интернационализация қилиш имконини берадиган жараёнлар соҳадаги янги технологияларни рағбатлантириш учун жорий этиши зарур.

Глобаллашувнинг ташаббускорлари кўп миллатли ва глобал фирмаларнинг ташкил топишига замин яратадиган ички ва ташқи фирмаларни тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини олиб киришга рағбатлантиради. Ушбу компаниялар ўз фаолиятини халқаро бошқарувга ёрдам бериш мақсадида қайта кўриб чиқади ёки янги маҳсулот ва хизматлар, бизнес жараёнлари ва технологияларни жорий этиш мақсадида ўз фаолиятини тадқиқот ва ривожлантиришга мослаштиради, фирманинг шўъба компаниялари ўз ички операцияларини, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларини босқичма-босқич инвестициялашга ўта бошлайди. Кўплаб корхоналар ўз фаолиятини янада фаоллаштириш учун ўзининг ички фаолияти ривожланишини фаоллаштиради ва ўз глобал компания концепциясидан келиб чиқиб бирлашиш ёки бошқа кичик корхоналарни сотиб олиш, қўшма корхоналар яратиш, лицензияларга эга бўлишга ҳаракат қила бошлайди.

Ички ва ташқи фирмалардаги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар муайян даражада мутлақ рақобатли афзалликларни таъминлайдиган мамлакатларга қаратилган. Миллатнинг рақобатдаги устунлигининг ушбу концепцияси портер модели томонидан тасдиқланади. Бирок фирмалар, объектлар ишлаб чиқаришни бериш учун манзилни танлаш хусусида Даннингнинг ММО моделига амал қилишади.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ва ишга жойлашиш ҳамда муқим даромад, маданиятни байналмилаллаштириш сингари устунликларни мамлакат иқтисодиётига жалб қилиш, иш жойлари етишмаслиги, ижтимоий табақалашувни бартараф этиш учун амалда-

ги мобиллик имкониятларини яратиш мақсадида мамлакатда тегишли таълим дастурлари яратилиши лозим. Бу таълим дастурлари ҳозирги давлат органи раҳбарлари, саноат ва бизнес бошқарувчилари ва келгусида муваффақиятга эришувчи ёшларимизга кенг қамровли асос яратиб бериш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Аҳолиси саводли ва сифатли маълумот олиш имкониятига эга мамлакатлар иқтисодий фаровонликка эришиши мумкин.

Хукумат амалдорлари, сиёсатчилар, ижтимоий-маъмурий соҳа вакиллари ҳамда давлат секторидаги раҳбарлар учун маълумотли бўлиш биринчи навбатдаги ишлардан биридир. Чунончи, ўтмишда, сиёсатда давлат бошқарувининг анъанавий принциплари мавжуд эди. Бу янги принциплар амалий тажриба, стратегик бошқарув, инсоний ресурсларни бошқариш, давлат хизматчиларини ишга қабул қилишдаги меритократция ва унумдорлик кўрсаткичига урғу беради. Ички манфаатлар йўлида фойдаланиладиган қонунлар хусусий бошқарувга, давлат ва хусусий компанияларга чиқимни ўз ичига олади. Уларнинг маълумоти тўлиқ ва самарали бўлиши учун сиёсий арбоблар ва ижтимоий бошқарув кадрлари мамлакат ресурсларини бошқариш борасида замонавий фанларни билиши зарур.

Агар ер, инфратузилма, технология ва малакали иш кучи сингари ресурслар, масалан, тадбиркорлик фаолияти томонидан қўллаб-қувватланмаса, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар тўлиқ жалб этилмаган бўлади.

Мамлакат ўзининг рақобатдаги устунлигидан маҳрум бўлади. Сиёсатчилар барқарорликни ва шаҳарсозликни сақлаб қолган ҳолда, объектлар қувватини ошириш учун зарур бўлган саноат минтақаларини урбанизациялашни таъминлашлари даркор.

Табиий бойликларни, жумладан, ер (тупроқ эрозиясининг, ифлосланишнинг олдини олиш, атроф муҳитни асраш), сув, инсон ресурслари (малакали ва билимли ишчи кучи билан таъминлаш)ни бошқаришни амалга ошириш лозим. Бу барча табиий бойликлар мамлакатнинг инсон ресурсларини ривожлантиришга мўлжалланган таълим дастурлари орқали фойдаланилиши лозим. Бу ХБИдан кенг ҳажмда ва тўлиқ манфаатдор бўлиш имконини беради. Бу эса мамлакатнинг иқтисодий,

ижтимоий ва маданий ҳаёти яхшиланишига, фаровонлиги ортишига ёрдам беради. Айниқса, шаҳарни режалаштириш ва шаҳарсозлик, атроф муҳитнинг ифлосланиши, уни муҳофаза қилиш борасидаги таълим дастурларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Таълим дастурлари ва ишчи кучига эҳтиёж тўғридан-тўғри инвестициялардан юқори даражада фойда олиш ва иш ҳақини ошириш имконини яратади. Бу ижтимоий табақаланишни ва ишсизликни бартараф этиш учун иш кучининг мобиллигини кучайтиради. Бундай интилиш ҳамда натижаларга ёш авлод-ни билимли ва глобал фирмаларда пайдо бўлаётган янги рақобатчиларга тезда муносабат билдиришга қодир қилиб тайёрлаш, ўқитиш орқали эришилади.

Ушбу таҳлилдан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин: глобаллашув мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётига таъсир килувчи, тараққиётни ҳаракатга келтирувчи жараёндир. Глобаллашув шароитида тегишли таълим дастурларига таянган ҳолда раванқ топиш мумкин. Бу эса пировардида глобаллашув маҳсулини ва мевасини татиб кўрадиган кишиларнинг билим ва савияси ҳамда хабардорлиги ортишига олиб келади.

Шин Хан Гюн,
Сеул миллий педагогика университети ректори

ЎЗБЕКИСТОН ВА КОРЕЯ ЎРТАСИДАГИ ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистоннинг ўз олдига қўйган устувор мақсадларидан бири – бу ёш авлодга замонавий таълим ва тарбия бериш, шахсни таълим тизими орқали баркамол ривожлантириш. Президент И.А. Каримов раҳбарлигида яратилган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури шахснинг таълимга бўлган эҳтиёжларини қондириш, эстетик бой миллий дунёқарашни, юксак маънавий, маданий ва ижодий тафаккурни шакллантиришга қаратилган.

Бугунги кунда Корея Республикасида таълим олти йиллик бошланғич таълимни, уч йиллик ўрта таълимни, юқори даражадаги мактаблардаги уч йиллик ўрта таълимни, шунингдек, фан доктори илмий даражасини олиш имкониятини берадиган магистратура ва аспирантура босқичларига эга коллеж ва университетлардаги тўрт йиллик таълимни қамраб олади. Шунингдек, бизда икки ва уч йиллик техника ҳамда касб-хунар-техника коллежлари ҳам мавжуд.

Корея мактаб таълимининг ҳар уч босқичи бир-биридан мустақил ҳолда иш олиб боради. Мактабларда таълим 6 ёшдан 11 ёшгача бўлган болалар учун ягона ўқув дастурига мувофиқ, бир хил дарслик асосида олиб борилади. Ўқувчилар мактаб формаларида юради, таълим асосан алоҳида олиб борилади. Иқтидорли болалар учун нуфузли мактаб таълими мавжуд бўлиб, у 400 мингдан зиёд ўқувчини қамраб олади ва бу умумий кўрсаткичнинг 5 фоизини ташкил этади.

Кореяда ўқувчиларни кириш имтиҳонларига тайёрловчи репетиторлик фаолияти ҳам муваффақиятли йўлга қўйилган. Хусусий таълимда харажатларнинг ўсиши корейс жамиятида ишга қабул қилиш анъаналари туфайли тақозо этилган заруратдир. Кореянинг обрўли университетлари ва хорижий университетлар битирувчиларига афзаллик берилади.

Корея олий таълим муассасаларининг қарийб 80 фоизи хусусийдир. Бироқ ректор ва Ҳомийлик кенгаши аъзолари Таълим вазирлигининг

розилиги билан тайинланади. 2000 йилда Кореяда 3 миллион 360 минг талаба ва 56900 ўқитувчини қамраб олган 355 та университет иш олиб борган. Коллеж ва университетлар талабалари тўрт ва олти йиллик ўқув курсларини ўтишади. Бакалаврлик даражасини олиш учун 140 та фан бўйича синов имтиҳонлари топширадилар. Олий таълим муассасаларига киришда барча мутахассисликлар бўйича давлат имтиҳонлари топширилади. Тўплаш лозим бўлган энг юқори балл 200 бўлиб, Сеул, Коре, Енсе каби нуфузли университетларга кириш учун 170 балл тўплаш лозим.

Сеулнинг нуфузли университетлари хорижий университетлар билан тахминан 140–150 та битим тузган. Кўпгина йигит ва қизларимиз хориждаги олий таълим муассасаларида таълим олади, Кореядаги чет эллик талабалар сони эса 50 мингга етади.

Ҳамкорлик бўйича таклифлар.

Ўзбекистон иқтисодиётига йирик сармояларнинг жалб этилиши ва Ўзбекистон ёшларига Кореядан иш берилиши (техник таълим) корейс тили мавқеининг ошишига хизмат қилди (100 дан зиёд ўрта мактаб, лицей ва касб-хунар коллежлари, 13 та олий таълим муассасасида корейс тили ўрганилади).

Талабалар, аспирантлар, илмий ва педагогик кадрлар алмашинуви дастурларида, ҳамкорликдаги илмий анжуман ва семинарларда иштирок этиш таълим соҳасидаги Ўзбекистон ва Корея ҳамкорлигининг асосий шаклларидир. Корея томони корейс тили ўқитиладиган синфларни жиҳозлашга, шунингдек, корейс тили ўқитувчилари ва корейс кўнгиллиларининг малака оширишларига ёрдам кўрсатмоқда. Жараён бир томонлама кетаётганини таъкидлаш жоиз, Жанубий Корея таълим хизматлари бозори ўзбек талабалари томонидан ҳали ўзлаштирилмаган.

Жаҳон майдонида 55 миллион аҳолига эга бўлган, 5 та мустақил давлатдан иборат бутун бир Марказий Осиё минтақасининг пайдо бўлиши туркий тилларга, жумладан, ўзбек тилига бўлган қизиқишни кучайтирди. Корея хорижий тиллар университетиде ўзбек тили мутахассислиги бўлими очилиб, талабалар Ўзбекистон сиёсати, иқтисодиёти ва маданиятини ўрганмоқда. Талабалар алмашинувини, Жанубий Кореялик корейс тили ўқитувчиларини таклиф қилишни ташкиллашти-

риш, семинар ва анжуманлар ташкил этишни, корейс талабаларининг Ўзбекистон олий таълим муассасаларида таълим олишлари учун грантлар беришни фаоллаштириш зарур. Сўнгги икки йил давомида Корея ёшлари Ўзбекистон олий таълим муассасаларига ўқишга кирмади. Ўзбек тилини ўрганишни истаган хорижликлар учун стандартлар, даражалар ва топик (мавзу)ларни жорий этиш лозим. Ўзбекистон ёшларининг бизнинг олий таълим муассасаларимизда ўқишларига кўмаклашиш лозим, бу давлат тили мавқеини оширишга имкон беради.

Ўзбекистонда мусиқа санъатининг юқори даражада ўқитилиши, ватандошларимизнинг санъатга ва ўзбек миллий мусиқий анъаналарига бўлган юксак қизиқиши Жанубий корейлик талабаларни Ўзбекистон олий таълим муассасаларига жалб этишда корейс-ўзбек ҳамкорлигининг истиқболли йўналишларидан бирига айланиши мумкин.

Тошио Масуда,
Хосей университети ректори

ТУРФА МАДАНИЯТЛАР ВА ТАЪЛИМ

Хосей университети тарихи 1880 йилда (Мэйжи даврининг 13-йили) нодавлат (хусусий) ҳуқуқшунослар: Канамару Маганэ, Ито Осаму ва Сатта Масакуни томонидан Токионинг Суругадаидаги Кита Кога Мачи кўчаси, 19-уйда ташкил этилган Токио ҳуқуқ мактабидан бошланади. 1880 йилда замонавий япон қонунларининг тамал тошини қўйган Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал кодекси татбиқ қилинди ва ҳар бир инсон эркинлигини ҳимоя қилиш масаласи устувор аҳамият касб этган давр тенденцияларига жавобан Токио ҳуқуқ мактабига асос солинди. Замонавий ҳуқуқ тизимининг ривожланиши шу тариқа бошланди.

Ҳуқуқ мактаби ташкил этилган вақтдан бошлаб, у шунчаки қонунни ўқитиш марказигина бўлиб қолмасдан, «даигенша», яъни ваколатли спикерлар ассоциацияси (япон адвокатлари учун ўзига хос атама «даигеннин» ёки «ваколатли спикер») мақомига ҳам эга бўлган. Иш жараёнида ваколатли спикерлар томонидан ҳуқуқий маслаҳатлар ўтказиб борилган. Мазкур ассоциация доимо «мактаб»дан юқори турган. Шунинг учун улар миллий жамятда эркинликни жорий этиш ва қўллаб-қувватлашга ўзларининг Токио ҳуқуқ мактабидаги фаолиятлари орқали доимо катта эътибор қаратишган. Шу тариқа, мазкур ўқув юртида олиб борилаётган замонавий амалий ва касбий тайёргарлик мактаб ташкил этилганидан буён юритилган ўқитиш ва ўрганиш амалиётининг айнан давомидир.

Токиодаги ҳуқуқ мактаби «эркинлик ва таракқиёт» тамойилларига йўналтирилганининг бош сабаби француз ҳуқуқи мактаби ҳисобланади. Сатта Масакуни ва кейинчалик Токио ҳуқуқ мактабини ташкил этишда қатнашганлар Япония ҳукумати томонидан ҳуқуқшунос маслаҳатчи сифатида таклиф этилган Париж университети профессори Доктор Густав Емил Бойссонадэнинг талабалари эди. Бойссонадэ япон қонунчилигига «Жус натурале», яъни «табiiй ҳуқуқ» тушунчасини киритди ҳамда унинг асосида Япониянинг Фуқаролик кодекси, Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал қонунлари тузилди. Бу, ўз навбати-

да, кўплаб ҳуқуқшуносларнинг муваффақиятли таълим олишига ёрдам берди. 1881 йилда (Мэйжи даврининг 14-йили) ваколатли спикерлар хусусий ассоциацияси қонундан ташқари деб эълон қилинди ва охиروқибатда ёпилди. Ҳуқуқий таълим департаменти эса мустақил бўлди, у Токио ҳуқуқ факультети деб қайта номланди. Бойссонадэ 1883 йилда (Мэйжи даврининг 16-йили) ушбу мактаб директори этиб тайинланди. Сўнгра 1889 йилда (Мэйжи даврининг 22-йили) бу мактаб француз академия ҳамжамияти томонидан 1886 йили (Мэйжи даврининг 19-йили) ташкил этилган француз ҳуқуқини ўрганиш Токио мактаби билан бирлашди ва кейинчалик қайта номланиб, «Япон ва француз ҳуқуқи мактаби» деб аталадиган бўлди. Француз Фуқаролик кодексини таржима қилган, шунингдек, «кенри» (ҳуқуқ), «гиму» (бурч, қарз, масъулият) ва «миншу» (инсон ҳуқуқлари) таржималарини яратган таржимон Мицукури Риншо мактаб директори этиб тайинланди.

1889 йилда (Мэйжи даврининг 32-йили) мактаб директори этиб Уме Кенжиро тайинланди ва у жамоатчилик манфаатларини ҳисобга олиб, турли таълим ислоҳотларини амалга оширди. Ислоҳотлар битирувчилар учун узлуксиз таълим курсларини яратишга имкон берибгина қолмасдан, танловга кўра ўрганиладиган инглиз, немис ва француз тиллари курсларини ҳам ташкил қилди; университет шаҳарчасидан ташқарида истиқомат қиладиган талабаларга қисқа муддатли таълим, шу талабалар учун эса билимлар назорати ва имтиёзлар тизимини киритиш имконияти пайдо бўлди. Бу ислоҳотлар жуда самарали натижа берди ва мактаб тез орада «Касб-хунар мактаблар ҳақида»ги фармонга асосан 1903 йили (Мэйжи даврининг 36-йили) «Япон ва француз ҳуқуқи мактаби» деб қайта номланди. Янги мактаб кундузги тайёрлов курслари ва кечки касб-хунар курсларини, шунингдек, замонавий олий ўқув юртлиари мақомига тенг бўлган илмий-тадқиқот курсларини тақлиф қилди. Уме Кенжиро мазкур олий ўқув юртининг биринчи ректори бўлди.

Бугунги кунга келиб мазкур ўқув юрти мақсад ва концепциялари Уме Кежиронинг новаторлиги ва топқирлиги туфайли вужудга келган илгариги «очиқ таълим» тамойилларига асосланган таълим ислоҳотлари йўлидан бормоқда.

Кейинчалик 1918 йилдаги (Тайсе даврининг 7-йили) «Университетлар тўғрисида»ги фармонга мувофиқ, хусусий университетлар очиш мумкин бўлди. Натижада мактаб 1920 йилда (Тайсе даврининг 9-йили) Хосей университетига айлантирилди. Бу тузилиши ва мавқеи бугунги кунгача ўзгармаган Хосей университетининг туғилиши эди. Дастлаб юридик ва иктисодиёт факультетлари, сўнгра эса тайёрлов ва касб-хунар курслари очилди. 1921 йилда (Тайсе даврининг 10-йили) Фуджимико кўчаси, 4-уйда янги талабалар шаҳарчаси бунёд этилди. Коджимачи Уорд эса унинг ҳозирги манзилидир. 1922 йилда (Тайсе даврининг 11-йили) адабиёт ва фалсафа кафедралари очилди, унинг номи эса «Ҳуқук ва адабиёт факультети» деб ўзгартирилди. Бу даврда дарс бериш тизими маъруза шаклидан тўлиқ таълим тизимига айлантирилди, машғулотлар тури эса кечки шаклдан кундузги таълим билан алмаштирилди. Шу тариқа Хосей стандарт университет шаклини ола бошлади.

Ҳозирги вақтда Хосей университети бакалавриат бўйича 16 та факультетга, сиртки таълим мактабига, магистратура бўйича 14 та бўлимга, 19 та илмий-тадқиқот институтига, 740 та кундузги таълим факультетига, 2049 та тўлиқсиз кундузги таълим факультетига, 40 367 нафар талабага, 3 та университет шаҳарчасига, 1 та институт ва 2 та касб-хунар мактабига эга университет ҳисобланади. Бу Японияда билим бериш даражаси яхши (АА) деб баҳоланган биринчи университетдир.

Теодор Алерс,
*Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё
давлатлари билан ҳамкорлик бўйича департаменти директори*

Муҳтарам маърузачилар, иштирокчилар, хонимлар ва жаноблар!

Мен, аввало Жаҳон банкни ушбу таълим соҳасидаги муҳим конференцияга таклиф қилгани ва таълимнинг мамлакат ривожини, модернизация ва иқтисодий ўсиши жараёнларига қўшган ҳиссасига баҳо бериш имкониятини яратгани учун Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига ўз миннатдорлигимни билдирмоқчиман. Бутун дунёдан келган вакилларнинг ғоя ва тажрибалари билан ўртоқлашиш, ҳеч шубҳасиз, барчамиз учун фойда келтиради, шу билан бир қаторда конференция иштирокчилари учун катта аҳамиятга эга бўлган ҳамкорлик қилиш имкониятини туғдиради.

Конференция жаҳон иқтисодиёти жадал ривожланаётгани ҳамда Ўзбекистон Республикаси халқи учун манфаатли бўлган муҳим ечимларни қабул қилиш зарур экани ҳақидаги рад этиб бўлмас ҳақиқатни ақс эттиради. Мақсади модернизация, тараққиёт ва ривожланиш бўлган Ўзбекистон вакиллари билан ишлаш – бу бизнинг ОТБ, ГИЗ, Ислом тараққиёти банки, БМТТД, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ ва ЮСА-ИД каби кўплаб халқаро ҳамкорларимиз билан биргаликдаги устувор ҳукукимиздир.

Таълим барча учун имконият яратиши ҳамда миллий бирдамликка хизмат қилиши билан азал-азалдан мустаҳкам ривожланиш ва тараққиётнинг асоси деб тан олинган. Бутун дунёда таълимга йўналтирилган сармоялар ўзини тўлиқ оқлайди. Масалан, мутахассисларнинг баҳо беришича, таълим даражасининг ошиши 1960 ва 1990 йиллар орасида Осиё иқтисодиётининг учдан бир қисмга ўсишига имкон берди. Ўша даврлардан бери глобализация ва технологик тараққиёт талабни кучайтирди, давлатларнинг рақобатдошлиги эса кўпроқ уларнинг билимларни ўзлаштириши, яратиши ва қўллай олишига боғлиқ бўлиб қолди.

Хонимлар ва жаноблар!

Ўзбекистон сезиларли тараққиётга эришди ва ёшларнинг таянч билимларни эгаллашига барча имкониятларни таъминлаб беришда кат-

та ютуқларни кўлга киритди. Сиз бир неча йил ичида барча болаларга бошланғич ва ўрта мактабларда таълим олиш имкониятини яратиб бера олдингиз. Бу – жуда катта ютуқ. Бундан ташқари, биз сиз билан ҳамкорлик қилишдан ғурурланган ҳолда, муҳим ислохотлар орқали бошланғич таълимнинг сифатини яхшилашга интилдик. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўқитувчилар таркибини ўқитиш, мактабларда педагогик кенгашларни фаоллаштириш ва ўқитувчи кадрлар билан таъминлашни рағбатлантириш йўли билан муаллимлар таркибининг малакасини ошириш; замонавий ўқув-услубий материалларни тарқатиш ҳамда аҳоли жон бошига ресурсларни тақсимлашда самарадорлик ва ошқораликни оширишга эришишни кўзлаб мактабларда молиялаштириш тамойилларини такомиллаштириш учун Жаҳон банки билан ҳамкорлик қилди. Ушбу саъй-ҳаракатларнинг натижаси таҳсинга сазовор.

Маълумки, таянч умумий таълим сифатини ошириш бўйича мажбуриятларингиз барча босқичларда таълимни яхшилаш ва кенгайтиришга интилиш билан боғлиқ бўлиб, мазкур конференцияда кўтарилган мавзулар бунга гувоҳлик беради. Кўриниб турибдики, иқтисодиёти ва аҳолисининг ўсиши билан Ўзбекистон замонавий муаммоларни ечишга ҳамда уларни бартараф этишга интилмоқда.

Мухтарам хонимлар ва жаноблар!

Дунёда рўй бераётган сўнгги воқеалар муносабати билан иш ўринлари ва ўқитиш муаммолари сиёсий баҳслар марказига қўйилмоқда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози дунёнинг бир қанча саноати ривожланган ва ривожланаётган давлатларида иш ўринларининг йўқотилишига олиб келди. Бу воқеалар бизга иш ва таълим масалалари иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг асоси ва кечиктириб бўлмас масаласи эканини эслатади. Ушбу муаммоларни бутун дунё миқёсидан англаб етиш ва ҳал этиш учун Жаҳон банкининг 2013 йилги Жаҳон World Development Report – Тараққиёт ҳисоботи айнан иш ўринлари ва малака масалаларини тадқиқ этишга йўналтирилган. Менинг маърузамда иш ўринлари муаммоларининг ҳал этилиши мамлакат иқтисодий ўсиш даражасига ва қашшоқликни қисқартириш стратегиясига қай даражада таъсир ўтказиши каби асосий саволларга жавоб берилади. Иқтисодиётни

ривожлантириш талабларига жавоб бериши учун кадрларни, шу билан бирга, ҳозирда ишлаётганларни қандай қилиб ўқитишни такомиллаштириш мумкин? Иш билан тامينланганлар ижтимоий барқарорликка бошқаларга нисбатан кўпроқ ҳисса қўшяптими ва ёшлар ўртасида ишсизликнинг оқибатлари қандай бўлади? Жаҳон бозорида глобаллашувнинг ривожланиш даврида иш ўринлари учун бўлган рақобат қандай оқибатларга олиб келади?

Ўсиб келаётган ёш аҳолига эга Ўзбекистон каби ривожланаётган давлатларда аҳоли бандлигини кенгайтириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш зарурлиги сир эмас. Ишчиларни ўқитиш ҳар қандай иқтисодий ўсишни рағбатлантириш стратегиясининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Таълим – бундай иқтисодий ўсишнинг афзалликлари барча аҳоли учун бирдек бўлишига элтувчи йўлдир.

Афсуски, дунёдаги кўплаб ишчилар меҳнат бозорининг ортиб борадиган талабларига шунчаки тайёр эмас. Кўпгина давлатларда таълим тизими ёшларга келгусида касб эгаллаш имконини яратадиган бошланғич таълим асосларини бермайди. Шунингдек, оддийгина тўйиб овқатланмаслик ёки эрта ёшданок эътиборсизликдан азият чекаётган болаларга таълим-тарбия беришда ҳам жиддий камчиликлар мавжуд. Бошқа томондан, ишчи кучи юқори билимга эга бўлгани ҳолда, улар учун муносиб ишнинг ўзи йўқ.

Бир неча дақиқага эътиборингизни жалб этиб, Ўзбекистонни замонавий индустриал мамлакатга айлантиришнинг муҳим омили ҳисобланган, мазкур конференция доирасида кўриб чиқиладиган иккита муҳим масала тўғрисида қисқача сўз юритмоқчиман. Маърузамнинг қолган қисми мактабгача таълимни кенгайтириш ва яхшилашга, XXI асрдаги бозор тараққиёти бўйича барча шароитларни яратиш учун олий ва ўрта махсус касб ҳунар таълими сифати ва иқтисодий аҳамиятини янада яхшилаш масалаларига қаратилган.

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

Кўплаб тадқиқотлар мактабгача таълимнинг ҳаётини зарурат сифатида муҳимлигини тасдиқламоқда. Болаликда олинган билимлар келгусида муваффақиятли таълим олиш имконини беради. Ёш бола ҳаётининг дастлабки муҳим йилларида юз берадиган тўртта жараён унинг кейин-

ги умрига катта таъсир кўрсатади: жисмоний ўсиш, аклий, нутқий ва ижтимоий-руҳий ривожланиш.

Олимлар аксарият болалар бошланғич босқичда таълим олишни анча кеч бошлашади, деган хулосага келдилар. Бундан ташқари, болаликдаги таълимга сармоя йўналтириш яхши бизнес ҳисобланади! Далиллар шуни кўрсатмоқдаки, юқори сифатли мактабгача таълимга йўналтирилган ҳар бир сўм етти баробардан зиёд фойда келтиради. Аслида ҳам бу кўрсаткич таълим соҳасидаги бошқа ҳар қандай кўрсаткичдан ва давлат томонидан киритилиши мумкин бўлган бошқа инвестициядан кадрироқдир.

Ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталаридан бошлаб Ўзбекистон таълим учун харажатларни ЯИМнинг 5,6 фоизидан 10 фоизигача оширди, бу харажатлар асосан бошланғич ва ўрта таълимга йўналтирилди ва давлат ҳозирги кунда бу соҳада деярли тўла қамровга эришди. Бошқа томондан, 2 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларни илк бошланғич таълим билан қамраб олиш юқори даромадга эга бўлган Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига аъзо давлатлардаги 80 фоизлик кўрсаткич билан қиёслаганда, 20 фоиз атрофида қолмоқда. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, мактабгача таълимга бўлган талаб ва таклифни оширишдаги инвестициялар таълимнинг бу босқичида болалар сонини сезиларли даражада кўпайтириши мумкин. Дастлабки изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, таълим нархининг оилалар учун қимматга тушиши, мактаб ва аҳоли тураржойлари орасидаги узоқ масофа ва мактабгача таълимнинг самарали эканига ишончининг йўқлиги болаларнинг мактабгача таълим муассасаларига қатнамаслигининг учта асосий сабаби ҳисобланади.

Мактабгача таълим хизматини яхшилаш заруратининг мавжудлиги яққол кўриниб турибди. Жаҳон Банки ва ЮНИСЕФ мактабгача таълим бўғинини таҳлил қилиш ва унинг келажақдаги ривожини учун мавжуд имкониятларни ўрганиш борасида Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилмоқда.

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

Ижозатингиз билан маърузамнинг иккинчи қисмига ўтсам. Мен иш ўринлари ва малака масалалари ҳақида сўз юритмоқчиман. Банкимиз бу масалани келгусида чоп этиладиган маърузада кенг миқёсда кўриб чиқади. Бироқ масала аён: глобаллашув ва таркибий ислоҳотлар

меҳнат самарадорлиги ва турмуш тарзида сезиларли ўзгаришларга олиб келди. Жанубий Корея, Малайзия, Туркия ва Бразилия каби баъзи мамлакатлар, бошқа давлатларнинг аҳволи бир неча ўн йиллар давомида ўзгаришсиз қолаётган бир пайтда индустриал ривожланган давлатлар билан ўртадаги фарқларни қискартиришга эришди. Лекин ривожланаётган давлатлар учун бу борадаги фарқлар ҳамон сақланиб қолмоқда.

Меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи ўртасидаги узвий боғлиқлик бор экан, меҳнат унумдорлигининг ўсиши инсонлар турмуш даражасининг яхшиланишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Нуфузли сиёсатчилар ишлаб чиқаришнинг ўсишига нималар тўсқинлик қилаётгани – билим етишмаслигимиз, меҳнат бозорининг самарасизлигимиз, тадбиркорлик фаолиятининг йўқлигимиз ёки бизнес муҳитининг етишмаслигимиз каби масалалар тўғрисида баҳс олиб бормоқда. Глобал тенденциялар ҳамма соҳани қамраб олиши мумкин бўлган ҳозирги кунда ҳар бир давлат шунга ўхшаш муаммоларга дуч келяпти ва бу муаммоларни ечиш стратегияси ҳар бир мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқилиши зарур.

Жаҳон банкининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатларида кадрлар малакасини оширишга бағишланган маърузасида таъкидланишича, Совет Иттифоқи тарқалиб кетганидан сўнг касб-ҳунар-техника таълимининг сифати, Ўзбекистон ва бир нечта бошқа мамлакатлардан ташқари, деярли ҳамма жойда пасайиб кетган. Ўзбекистонда ўрта мактабдан кейин коллеж ва лицейларга қирувчилар сони 1997–2007 йиллар оралиғида икки баробарга, 30 фоиздан 60 фоизга ошгани эътиборга моликдир.

Жаҳон банки яқинда бу жумбоқни таҳлил қилишда сиёсатчилар, таҳлилчи ва тадқиқотчиларга ёрдам берадиган аҳоли бандлигининг бошланғич кўникмалари ва унинг самарадорлиги концепцияси (STEP) ни ишлаб чиқди. Бу концепция баъзи мамлакатлар меҳнат унумдорлиги ўсишини таъминловчи билимларни шакллантиришда дуч келаётган муаммоларни тушуниш ва уларни ҳал этишга ёрдам бериши мумкин. Мазкур концепция доирасидаги билим ва тажрибаларни ўртоқлашишдан ва уни Ўзбекистонда амалда қўллашда ёрдам беришдан банкимиз мамнун бўлар эди.

Шу билан бирга, 2013 йилдаги жаҳон тараққиёти тўғрисидаги маъруза 2013 йил октябрь ойигача тайёр бўлади, деган умиддамиз. Билимга, инновацияларга, таркибий ислоҳотлар ва иш ўринлари учун бўлган глобал рақобатга катта эътибор қаратган мазкур глобал маъруза Ўзбекистонда бу масаланинг муҳокама этилишига сезиларли ҳисса қўшиши мумкин, чунки маъруза ўртача даромадли замонавий давлат барпо этилишига йўл очиб беради. Биз глобал хулосаларимизни Ўзбекистон билан ўртоқлашишдан мамнун бўламиз.

Хонимлар ва жаноблар!

Ўзбекистон ўз аҳолиси, бой тарихи билан бошқа мамлакатлардан ажралиб туради. Ўрта асрларда Бухоро ўз мадраса ва университетларига бутун дунёдан олимларни қабул қилиб, илм-фан ва маърифат ўчоғи сифатида тан олинган. Ўзбекистондан етишиб чиққан тарихий алломалар математик Хоразмий, тарихчи ва физик Беруний, астроном Мирзо Улуғбек ва шу каби бошқа кўплаб етук алломалар ҳозирги кунгача бутун дунёга маълум ва машҳурдир. Улкан маданий мерос ва таълим соҳасидаги тараққиёт ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг бутун дунёдаги ривожланаётган давлатлар учун маёқ бўла олиши мумкинлигига замин яратмоқда. Таълимга йўналтирилаётган барқарор ва йирик инвестициялар бунинг калити ҳисобланади. Менинг фикримча, Ўзбекистонда таянч таълимнинг сифатини ошириш бўйича олиб борилаётган ишларга қўшимча равишда мактабгача таълим, ўрта махсус ва олий таълим битирувчиларининг билимларига мос бозорни ривожлантиришга ҳам эътибор қаратиш лозим.

Бизнинг тажриба алмашинувимиз бутунги анжумандаги барча катнашчилар ўртасида келгусида ҳамкорликларни кенгайтириш йўлида янги ва амалий усулларни шакллантириш учун самарали асос яратади, деб умид қиламан. Жаҳон банки барча ҳамкорлар иштирокида Ўзбекистон билан шериклик муносабатларини мустаҳкамлайди, деб ишонаман.

Эътиборингиз учун раҳмат!

**«ЮКСАК БИЛИМЛИ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНГАН
АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ – МАМЛАКАТНИ БАРҚАРОР
ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ
ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ» МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО
КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ЯКУНИЙ ҲУЖЖАТИ – РЕЗОЛЮЦИЯСИ**

Тошкент шаҳри, 2012 йил 16–17 февраль

2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва глобал рецессиянинг таҳдид солаётган янги тўлкини дунёнинг аксарият давлатларига ҳамон ўз таъсирини кўрсатаётган бугунги кунда жаҳон барқарор иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожланишга эҳтиёж сезмоқда.

Бундай шароитда инсон капиталига йўналтирилаётган инвестиция ва қўйилмаларнинг ўсишини, ҳозирги замонда демократик тараққиёт, модернизация ва янгиланиш борасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим кадрият ва ҳал қилувчи куч бўлган билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш вазифасини доимо ўзининг асосий устувор йўналишлари қаторига қўядиган давлатгина ўзини намён эта олиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан Тошкентда 2012 йил 16–17 февраль кунлари халқаро ҳамжамиятни Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самаралари, юксак билимли ҳамда интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялашда давлатнинг роли ва бу борада тўпланган тажриба билан кенг таништириш мақсадида «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзуида халқаро конференция ўтказилди.

Халқаро конференцияда қарийб 1000 нафар иштирокчи, жумладан, дунёнинг 48 давлатидан, 8 халқаро ташкилот ва таълим жамғармаларидан 270 нафар вакил иштирок этди. Ушбу нуфузли форумда БМТ Бош қотибининг ўринбосари, Осиё тараққиёт банки президенти, Ислом тараққиёт банки президенти, қатор хорижий мамлакатлардан вазирлар, соҳага тегишли қўмиталар раҳбарлари ва парламентлар депутатлари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистонда Таълим соҳасини ислох қилиш, юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган

дастурнинг асосий мақсад ва вазифалари, мазмун-моҳияти қисқача баён этилган нутқи халқаро конференция ишида муҳим аҳамият касб этди.

Бундан 15 йил олдин (1997 йилда) қабул қилинган, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури деб ном олган Таълим соҳасини ислоҳ қилиш дастури мамлакатда янги жамият қуришнинг босқичма-босқич ва тадрийжий ривожланиш принципига асосланган иқтисодий ва сиёсий ислохотларнинг Ўзбекистон танлаган «ўзбек модели»нинг ажралмас таркибий қисми экани алоҳида таъкидланди.

Жаҳондаги демократик, тараққий топган мамлакатлар тажрибасини умумлаштирган ва айни пайтда бошқаларнинг моделлари такрорланмаган ҳамда улардан нусха кўчирилмаган ушбу дастур ўтмишда мажбуран сингдирилган коммунистик мафқуранинг қолип ва андозаларидан бутунлай воз кечиш, одамларнинг, биринчи навбатда, униб-ўсиб келаётган авлоднинг онгида демократик кадриятларни мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, ҳаётда ўз фикрига, ўз йўлига ва қатъий гражданлик позициясига эга бўлган, ҳар томонлама етук ва мустақил фикрлайдиган шахсни шакллантиришни мақсад қилиб қўйган.

Конференция қатнашчилари мамлакатимиздаги қатор умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар, олий таълим муассасаларида бўлиб, уларнинг фаолияти билан танишди.

Конференция таълим тизимининг умумий ўрта таълимни ривожлантириш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими самарадорлигини ошириш, унинг меҳнат бозори билан алоқасини кучайтириш, олий таълим тизимини юксалтириш, таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, олий таълим тизими ҳамда илм-фан ҳамкорлигини кучайтириш ва узлуксизлигини таъминлаш, таълим жараёнида маданиятнинг ўрни каби асосий масалалар бўйича тажриба алмашиш имконини берди.

Халқаро илмий-амалий конференция иштирокчилари Ўзбекистоннинг таълим тизимини ислоҳ қилиш борасидаги тажрибасини ўрганиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг нутқида баён этилган таълим тизимини ислоҳ қилишга оид принцип ва ёндашувларни тўлиқ қўллаб-қувватлайдилар.

• Бугун юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларга эга, билимли, самарали меҳнат қилишга кодир фуқаролар жамиятнинг энг муҳим бойлиги ва асосий капитали, уни ҳаракатга келтирувчи кучига айланиб бормоқда. Айнан шу боис ХХІ аср – интеллектуал билимлар асрида ин-

сон капиталига инвестициялар йўналтиришни устувор вазифа сифатида танлаган мамлакатларгина юксак тараққиётга эришиши мумкин. Фақат том маънодаги билимли жамиятгина замонавий таҳдид ва муаммоларни енгиб ўтишга қодир бўлади.

- Бугунги кунда ҳар қандай мамлакатнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлиги нафақат табиий ресурсларнинг мавжудлигига, балки, биринчи навбатда, замонавий, мунтазам янгиланиб турган технологияларни ўзлаштиришга қодир юксак билимли ва интизомли ишчи кучини мунтазам тайёрлашга боғлиқдир. Бундай ишчи кучисиз иқтисодиётнинг юқори технологияларга асосланган замонавий тузилмасини шакллантирадиган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиб бўлмайди.

- Ҳар қандай давлат мамлакатнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтиришдан манфаатдор бўлмоғи керак. Глобаллашув даврида билимлилик мамлакатни иқтисодий ривожлантириш ва унинг миллий бойлигини кўпайтиришнинг муҳим таркибий қисмига айланмоқда, аҳолининг юксак маънавий даражаси эса одамларда ҳуқуқий маданиятни, эркин ва демократик ҳуқуқий давлатда яшаш ҳамда меҳнат қилиш қобилиятини шакллантириш, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини англаш, улардан шахс, давлат ҳамда жамият манфаатлари йўлида фойдаланиш имконини беради.

- Миллий ва умуминсоний кадриятларни уйғунлаштириш зарурлигини англаб етган, замонавий билим, интеллектуал салоҳият ва илгор технологияларга эга одамларгина ривожланиш борасида ўз олдига қўйган стратегик мақсадларга эриша олади.

- Жамиятда билимли, маълумотли ва юксак интеллектга эга одамларнинг мавқеини ошириш; таълим ва касб-ҳунар дастурларининг жаҳондаги таълим, илм-фан, техника ва технологиялар, иқтисодиёт ҳамда маданият соҳасидаги замонавий ютуқларга мувофиқлиги; таълимни ёшларнинг келажақдаги амалий меҳнат фаолияти билан узвийлигини таъминлаш; таълим олаётган ўқувчи-ёшлар онгида умуминсоний кадриятлар, юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлаш устуворлигини шакллантириш; таълимнинг миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан муштараклиги, бошқа халқлар тарихи ва маданиятини ҳурмат қилиш таълим тизимини ислоҳ этишнинг асосий принциплари бўлиши лозим.

- Таълим соҳасида, ҳам ушбу соҳада меҳнат қилаётганлар, ҳам замонавий кадрлар талаб қилинадиган тармоқлар вакиллари ўртасида халқаро ҳамкорликни мунтазам ривожлантириш зарур.

Халқаро конференция иштирокчилари Ўзбекистоннинг куйидаги йўналишлар бўйича тажрибасини алоҳида эътироф этиш ва чуқур ўрганиш лозимлигини таъкидлайди:

- Мактаб таълими мамлакатда яшаётган асосий миллатлар эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда етти тилда – ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик ва туркман тилларида олиб борилиши.

9+3 схемаси бўйича ноёб 12 йиллик умумий бепул таълим тизимининг жорий этилиши. Бунда умумтаълим мактабидаги 9 йиллик ўқишдан сўнг ўқувчилар кейинги 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда таҳсил олиб, уларнинг ҳар бири меҳнат бозорида талаб қилинадиган 2–3 мутахассислик бўйича касб-хунарларни эгаллайди. Бу ўқувчиларга иқтисодиётнинг энг истиқболли ва кўлами кенгайиб бораётган соҳаларида касб-хунар кўникмаларига эга бўлиш имконини беради.

Бунда ҳар бир битирувчи мажбурий таълимдан сўнг ўз хоҳишига кўра, олий ўқув юртлирида ўқишни давом эттириши ва бакалавр ҳамда магистр даражасини олиши мумкин.

- Ҳар бир коллежнинг малакали ишчи кучи буюртмачилари бўлган муайян корхоналар билан яқин алоқани йўлга қўйгани. Бу келажакда таълим муассасалари битирувчилари меҳнат қиладиган корхоналарнинг эҳтиёжларини аниқлаш имконини беради.

- Республиканинг ҳар бир ўқув юртида оптик-толали алоқа линиялари асосида қурилган ягона Ziyonet ахборот-таълим тармоғига уланган ахборот-ресурс марказлари ташкил этилгани. Бу ўқувчиларнинг зарур ахборотлардан фойдаланиши, видеоконференциялар, семинарлар ўтказиш, масофадан туриб ўқитиш ва ўқув машғулоти учун мультимедиа аудиторияларини ташкил этишда кенг шароитлар яратиш имконини беради. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон таълим тизимида технологиялар ва замонавий медиа ҳамда телекоммуникация воситаларидан фойдаланишга хизмат қилмоқда.

- Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳнамолигида ташкил қилинган махсус Жамгарма базасида болалар спортини ривожлантиришга устувор эътибор қаратиш. Спорт билан шуғулланиш ва болалар, жумладан, қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш бевосита Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг халқаро стандартларига йўналтирилган. Мамлакатда болалар ва ёшларни спорт билан шуғулланишга оммавий жалб қилиш бўйича уч босқичдан иборат, мактаб ўқувчилари,

касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ўқувчилари, шунингдек, олий ўқув юртлари талабалари ўртасида ўтказиладиган мусобақаларни ўз ичига олган ноёб тизим яратилган.

Конференция иштирокчилари қуйидагиларни қайд этдилар:

- Ижтимоий-маданий омилларни, таълим жараёни билан чамбарчас боғлиқ бўлган маданиятни тушунмаслик, унга етарлича баҳо бермаслик маданиятни фақат одамларнинг дам олишини ташкил этиш воситаси сифатида юзаки ҳамда бирёқлама тушуниш билан баробардир. Бу иқтисодий онгни шакллантиришда уни етарлича баҳоламасликка олиб келади.

- Таълим тизимини ислоҳ қилишда том маънодаги билимли, яхши тарбия кўрган ва маънавияти юксак одамларгина ҳар қандай, энг мураккаб муаммоларни ҳам зўравонлик ва адоватга берилмасдан ҳал этишга қодир эканини эътиборга олиш даркор.

- Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижаларини, уларнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг пировард натижаларига таъсирини баҳолашнинг кўрсаткичлари ҳамда мезонларини ишлаб чиқиш зарур.

Халқаро конференция иштирокчилари Ўзбекистоннинг таълим тизимини ривожлантириш борасидаги тажрибасини ўрганиш бўйича тингланган ва муҳокама этилган маърузаларни ҳисобга олган ҳолда, қуйидагиларни тавсия этадилар:

кадрлар тайёрлаш сифатини, уларнинг рақобатбардошлиги ва кадрларга бўлган эҳтиёжни ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратган ҳолда, миллий таълим тизимларини модернизация қилиш. Таълимнинг мавқеини шундай даражага етказишни таъминлаш керакки, билим олишга интилиш ёш авлоднинг энг муҳим мақсадли вазифаларидан бирига айланиши лозим;

Ўзбекистон мисолида Ўқитувчилар ва мураббийлар кунини умумхалқ байрами сифатида жорий этиш имкониятини ўрганиш. Бу баркамол шахсни шакллантириш ва тарбиялашда педагоглар меҳнатининг роли ва аҳамияти жамоатчилик томонидан эътироф этилишининг тасдиғи бўлиб хизмат қилади;

таълим ҳар бир инсоннинг бутун умри давомида ҳаётининг таркибий қисмига айланиши имконини яратадиган узлуксиз таълим тизимини жорий этиш. Шу муносабат билан «Билим – бутун ҳаёт давомида ҳар бир инсон учун» концепциясига асосланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини жорий этиш борасидаги Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш;

аҳолининг, шу жумладан, олис кишлоқлардаги болалар ва ёшларнинг барча босқичда белул умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими олиш имкониятини кенгайтириш;

таълим тизимини такомиллаштириш ва уни молиялаш манбаларини кенгайтириш. Давлат бюджетининг шу мақсадларга йўналтирилаётган харажатларига мамлакат миллий бойлиги ўсиши учун сарфланаётган муҳим инвестициялар сифатида қараш. Ҳар йили таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ қилишга ялпи ички маҳсулотнинг 10–12 фоизи ва Давлат бюджети харажатларининг 35 фоизини йўналтираётган Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш;

таълим тизимини ислоҳ қилишда Ўзбекистоннинг ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини ташкил этиш, таълим муассасаларининг муайян корхоналар билан яқин алоқаларини йўлга қўйиш борасидаги тажрибасини ҳисобга олиш;

таълим тизимларининг таълим, касб тайёргарлиги, илм-фан, маданият ва спорт баркамол ёш авлодни тарбиялашнинг муҳим таркибий қисмлари ҳисобланадиган комплекс, кенг қамровли хусусиятларини таъминлаш;

энг яхши хорижий олий таълим муассасалари филиалларини ташкил этиш бўйича Ўзбекистонда фаол қўлланиб келинаётган амалиётни ривожлантириш;

иктисодиёт таркибидаги ўзгаришлар ва жамиятнинг муҳим эҳтиёжларига мувофиқ, ўқитувчи кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини узлуксиз ошириш бўйича самарали тизимни яратиш, моддий ва маънавий рағбатлантиришни кучайтирган ҳолда ўқитувчилик касбининг нуфузини ошириш;

ўқитишнинг барча босқичларида ўқув дастурларининг изчиллиги ва ўзаро мувофиқлигини таъминлаш. Ўқув дастурларида умумий ва қўшимча таълимнинг интеграциялашувини, шунингдек, ўқитиш мазмун-моҳиятини реал ҳаётий эҳтиёжларга максимал даражада яқинлаштиришни кўзда тутиш;

халқаро стандартлар, замонавий илм-фан ва техника ютуқлари, амалга оширилаётган институтцинал ва таркибий ислохотларнинг устувор йўналишлари, ўқитишнинг барча шакллариининг интеграциялашувини инобатга олган ҳолда, ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини, ўқитиш методикасини мунтазам такомиллаштириш, табиий-илмий ҳамда инженерлик фанлари соҳасида ўқитиш компонентларини кучайтириш;

таълимни жадал ривожланаётган ва юқори технологияли меҳнат бозорида эҳтиёж катта бўлган мутахассисларни тайёрлашга йўналтириш учун таълимнинг барча босқичларида табиий-илмий ва инженерлик фанларини ўқитишнинг амалий хусусиятга эга тизимини жорий этиш;

барча ўқувчилар ва ўқитувчилар таълим жараёнининг ахборот-коммуникация технологиялари ва ахборот ресурсларидан тўлиқ фойдаланишини таъминлаш, электрон ўқитишни кенг татбиқ этиш, ўқитишнинг янги технологик шакл ва услубларини яратиш;

ўқитишнинг барча босқичларида хорижий тилларни ўргатишни кенгайтириш, бу ёшларнинг ахборот ресурсларидан кенг фойдаланишини, шунингдек, уларнинг халқаро меҳнат бозори шароитларига мослашишини таъминлайди.

Халқаро конференция иштирокчилари Халқаро молия институтлари, донор мамлакатларга қуйидагиларни тавсия этадилар:

ривожланаётган мамлакатларга барча босқичдаги таълим тизимлари, жумладан, олий таълим тизимини ривожлантиришга техник қўмаклашиш учун грантлар ҳамда имтиёзли кредитлар ажратиш амалиётини кенгайтириш;

таълим тизимини, жумладан, халқаро конференциялар, симпозиумлар, семинарлар ўтказиш ва тажриба орттириш, шунингдек, мақолалар чоп этиш орқали ривожлантириш борасида жаҳондаги энг илғор тажрибаларни оммалаштиришга қўмаклашиш;

ривожланаётган мамлакатларга дунёнинг тараққий этган давлатларидаги ўқув юртлари ва илмий муассасалар билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатишда қўмаклашиш.

Конференция қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига мазкур анжуманни юксак савияда ташкил этгани ва ўтказгани учун миннатдорлик билдиради.

Конференция Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримовнинг таълим технологияларини ривожлантириш ва меҳнат бозоридаги шароитларнинг тез ўзгариб бораётганини эътиборга олган ҳолда, таълим тизимини юксалтириш ва модернизация қилиш жараёнида эксперт-мутахассисларнинг доимий мулоқотини йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистонда «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт» мавзuidaги халқаро конференцияни мунтазам ўтказиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлайди.

**КОНФЕРЕНЦИЯ
ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ
ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИ**

Филипп Чокуэт – Қишлоқ хўжалиги ва табиий фанлар бўйича олий ўқув муассасалари ассоциацияларининг глобал конфедерацияси раиси (Франция):

